Кузги буғдойни пушта усулида экишда уруғ меъёри Жанубий Қозог'истон вилоятида (Сидиқ ва бошқалар, 2008 йил) 1,5-3,0 миллион дона унувчан уруғни, Озарбайжон (Жумшудов ва бошқалар, 2012 йил) ва Ўзбекистонда (Қиличев ва Халилов) 2,0-3,0 миллион дона унувчан уруғни ташкил этади. Уруғ сепиш миқдори навнинг биологик хусусиятларига, экиш вақти, экин майдонининг тайёрланиши, ер ости сувлари ва ўғитларнинг қай тарзда қўлланилишига боғлиқ.

### 2.1.2. Пуштага экиш усулида ўғитларнинг қўлланилиши

Донли экин ҳаётининг ҳар қандай даврида озуқа моддаларининг етишмаслиги ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Жумладан, агар азот етишмаслиги тез вегетатив ўсиш ва бошоқлаш бошланиши даврига тўғри келиб қолса, ҳосилдорлик даражаси сезиларли даражада пасайиб кетиши мумкин. Шу боис





**6-расм.** Экиш усули ва азот миқдорининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири (2012-2013 йиллар)

Ўғит бериш вақтини белгилаб қўйишдан қўзланувчи асосий мақсад қўлланиш вақтида унинг етарли миқдорда мавжуд бўлишини таъминлашдан иборат. Кўр-газма майдонларида умумий азот миқдорининг 1/3 қисми тупланиш даврида, қолгани эса найчалаш даврида қўлланилди. Ўғитлар миқдорининг оширилиши ҳосилдорликнинг шунга яраша юқорироқ бўлишига олиб келди. Буғдой ҳосилдорлигининг энг юқори даражаси пуштага экиш усулида гектарига 180 кг азот (ПЭ N) ишлатилганда қайд этилди. Ушбу амалиёт икки йил давомида ҳосилдорликнинг статистик нуқтаи назардан сезиларли даражада ошишига олиб келди. Энг юқори ҳосилдорлик (7,54 т/га) 180 кг/га азот ишлатилганда қайд қилинган бўлса, энг паст ҳосилдорлик (5,88 т/га) 160 кг/га азот ишлатилганда қайд этилди (**6-расм**). Аини пайтда анъанавий усулда экилган кузги буғдой ҳосилдорлиги 6,0 т/га миқдорида бўлди. Икки йиллик ўртача кўрсаткичлар пуштага экиш усулида кузги буғдой ҳосили азот 180 кг/га миқдорида ишлатилганда юқори бўлишидан далолат бермоқда.

Кузги буғдой парваришланаётганда озуқа моддаларининг сингишини оптималлаштириш учун уруғ экиш пайтида азотли ўғитларнинг фаол моддасини 90 кг/га нисбатда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Кузги буғдойни пуштага экиш, ўғитлар қўлланилиши самарали ташкил этилганда, юқори ҳосилдорликни таъминлайди.

### 2.1.3. Суғориш

Экиш пайтида тупроқнинг юқори қатламларидаги намлик захиралари уруғнинг яхши ривожланиб олиши учун етарли бўлмаганлиги сабабли бошланғич босқичда 700-800 м<sup>3</sup>/га миқдорида нам тўпловчи суғоришни ўз вақтида амалга

**2-жадвал.** Озарбайжонда анъанавий ва пуштага экиш усулларининг кузги буғдой ҳосилдорлиги ва сув истеъмоли самарадорлигига таъсири (Жумшудов ва бошқалар, 2012 йил)

Фермер хўжаликлари	Экиш усули	Ҳосилдорлик, т/га		Сув истеъмоли миқдори, м <sup>3</sup> /га	Сув истеъмоли самарадорлиги, кг/м <sup>3</sup>
		2011	2012		
1	Анъанавий экиш	3,76	3,54	1 900	1,67
	Пуштага экиш	5,23	5,10	1 600	2,36
2	Анъанавий экиш	2,57	2,53	1 950	1,85
	Пуштага экиш	3,42	2,52	1 600	2,11

**Эслатма:** Анъанавий экиш экинни шудгорланган майдонга экишни англатади.

Суғориш муҳим аҳамият касб этади. Нам тўловчи суғоришнинг сифати, яъни сувнинг жўяклар орқали тақсимланиши ва керакли чуқурликка (70 см) сингиши етти жиҳатдан кузги буғдой уруғларининг оптимал зичликда жойлашишини таъминлайди, бу эса юқори ҳосилдорлик даражасини белгилайди.

Даланинг 70-75% миқдордаги намлик даражасини сақлаб қолиш учун кузги буғдойнинг ўсиш даврида тупроқнинг 0,6-0,7 метргача чуқурликда намликка эришишини таъминлаш ва ҳар бир пуштанинг бўлиб-бўлиб суғорилиши муҳим аҳамият касб этади:

- Серёмғир йилларда – суғориш шарт эмас ёки бошоқлаш даврида бир марта суғориш (600-700 м<sup>3</sup>/га);
- Ёлгингарчилик ўртача бўлган йилларда – май ойининг биринчи декадасида (7-10 май) найчалаш босқичи тугаб, бошоқлаш даврининг бошланишида (700-800 м<sup>3</sup>/га);
- Ўта қурғоқчилик йилларида – икки марта суғориш: биринчи суғориш – апрель ойининг биринчи ярми бошида кузги буғдойнинг найчалаш босқичида; иккинчи суғориш – май ойи ўрталарида дон тўлиқлиги даврида (800 м<sup>3</sup>/га)

**2.2.4. Доимий пуштага экиш орқали етиштирилган кузги буғдойнинг иқтисодий**

Қишлоқ қилинаётган қишлоқ хўжалиги амалиётини иқтисодий жиҳатдан яқинда меҳнат ва ишлаб чиқариш харажатлари энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Жумладан, анъанавий деҳқончилик амалиётида 1 гектар учун қилинаётган тўғридан-тўғри харажатлар ўртача 230 АҚШ долларини ташкил қилади. Бу паст бўлган кўтарилган пуштага экиш усулида эса (2-3 миллион доллар учун уруғ) харажатлар 200 АҚШ долларига тенг ёки ундан ҳам кам бўлади (Жумшудов ва Карабалаева, 2010 йил).

Қишлоқнинг сў даромад (745 АҚШ доллари/га) пуштага экиш усулида олинган

© ФАО/ А.Нурбеков



© ФАО/ А.Нурбеков

**7-расм.** Пуштага экилган кузги буғдойнинг “Жетису” нави (Қозоғистонда) (чапда) ва “Азаматли” нави (Озарбайжонда) (ўнгда)

**3-жадвал.** Буғдойнинг экиш усулига нисбатан ҳосилдорлиги (2011-2013 йиллар)

Экиш усули	Буғдой-дон ҳосили (т/га) <sup>1</sup>			Тежалган сув миқдори, %		
	Озарбайжон	Ўзбекистон	Қозоғистон	Озарбайжон	Ўзбекистон	Қозоғистон
Пуштага экиш	5,42	7,51	4,73	27 %	36%	30%
Сепма экиш	5,02	6,32	4,45	0 %	0 %	0 %

бўлиб, аини пайтда анъанавий экиш усулида энг паст миқдордаги соф даромад кузатилди (**4-жадвал**). Пуштага экишда энг юқори рентабеллик кўрсаткичига эришилди. Бундан ташқари, соф даромад буғдойнинг бозор нархига ҳам боғлиқ бўлиб, серёмғир йилларда бозорларда буғдой миқдори кўп бўлиши ҳисобига буғдой нархи сезиларли даражада пасайиши мумкин (Жумшудов ва бошқалар, 2012 йил).

Сидиқ ва бошқаларнинг (2008 йил) маълумотларига кўра, кузги буғдойни пуштага экиш усулининг харажат ва даромадлар таҳлили Қозоғистонда уруғ камроқ миқдорда экилиши лозимлигини намоён этди. Масалан, ерга 2,0-3,0 миллион донга унувчан уруғ экилганда ишлаб чиқариш харажатларининг энг юқори миқдори гектарига 866 АҚШ долларидан 933 АҚШ долларигача бўлди. Бунда ҳар бир жўякка азот ўғити эрта баҳорда 60 кг/га миқдорда берилган. Бу энг юқори миқдордаги соф операцион даромадни 733 АҚШ долларига етказиш ва

<sup>1</sup> Барча экиш усуллари учун ўғит қўллаш миқдори 90 кг/га азот ва 60 кг/га фосфорни ташкил этди.

**4-жадвал.** Озарбайжонда кузги буғдой экиш усулларининг иқтисодий кўрсаткичлари

Экиш усуллари ва уруғ меъёри	Ҳосилдорлик, т/га	Ишлаб чиқариш харажатлари, \$/га	Ҳосил қиймати, \$/га	Соф даромад, \$	Рентабеллик даражаси, %
Анъанавий экиш – 220 кг/га	3,02	465	960	495	106
Пуштага экиш – 190 кг/га	4,29	535	1 280	745	139

Бир кг дон учун ишлаб чиқариш харажатларини 1,50 АҚШ доллари миқдоригача пасайтириш имконини беради. Анъанавий экиш амалиётида эса соф операцион даромад миқдори 466 дан 500 АҚШ доллариғача бўлган (**8-расм**).

Озарбайжон, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда суғориладиган экин майдонларида доимий пуштага экиш усулида кузги буғдой етиштириш модели 80-человеда келтирилган.

### 2.1. Доимий пуштага экилган маккажўхори (*Zea mays*)

Маккажўхори (*Zea mays* L.) Озарбайжон, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги экинчи деҳқончилик шароитида кузги буғдойдан кейинги иккинчи энг муҳим экин ҳисобланади. Шу билан бирга, ундан бир вақтнинг ўзида ҳам дон, ҳам силос ҳам олинади.



© ФАО/А.Нурбеков

8-расм. Пуштага экилган кузги буғдойнинг сут (чап) ва тўлиқ (ўнг) пишиш даври

### 2.2.1. Экиш муддати ва уруғ меъёри

Маккажўхорини экиш муддати Жанубий Қозоғистонда апрель ойининг ўрталари, Ўзбекистонда эса апрель ойининг бошларига тўғри келиб, бу пайтда уруғ қадаладиган чуқурликда тупроқ ҳарорати тахминан 10-12 °С бўлади. Уруғларнинг бир текис экилишини таъминлаш учун экиш чуқурлиги 6-8 см, қаторлар орасидаги масофа 70 см бўлиб, уруғ устидан тупроқ бир вақтда тортилади.

Маккажўхори навлари ва дурагайлар учун қуйидаги кўчат қалинлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ:

- Кеч пишадиган – 55,000-60,000 кўчат/га;
- Ўрта-кеч пишадиган – 60,000-65,000 кўчат/га;
- Ўрта пишадиган – 65,000-70,000 кўчат/га;
- Эрта пишадиган – 80,000 кўчат/га.

### 2.2.2. Маккажўхорини дон учун етиштиришда сувдан фойдаланиш

Ўсиш даврида тупроқдаги сув ва ҳаво режимининг оптимал даражада бўлишини таъминлаш ёз ойлари иссиқ ва қуруқ бўладиган Озарбайжон, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда юқори ва барқарор ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бири саналади. Аммо кўчат ҳаётининг энг муҳим даврларида суғориш учун сув етарли бўлмаса, дон ҳосилининг кескин камайиб кетиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу боис уруғнинг экиш муддати ва уни суғориш миқдори экинлар эҳтиёжларига мутаносиб равишда парвариш қилинаётган маккажўхори навлари ва дурагайларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

Маккажўхорини суғоришдаги энг муҳим давр – рўвак чиқаришидан 10-15 кун олдин бошланиб, гуллаганидан 20 кун ўтгандан кейин – маккажўхори донининг сут пишиш давридан олдинги пайт ҳисобланади. Сув истеъмоли, одатда, ана шу даврда энг юқори даражага етади ва умумий ўсиш даврида бериладиган сув миқдорининг 50%ини ташкил этади.

Шу боис вегетатив ўсиш босқичидаги суғориш маккажўхори ривожланишидаги ўта муҳим бўлган ушбу пайтга мос келиши лозим. Суғориладиган деҳқончиликка асосланган барча ҳудудларда дон ва ем-хашак ҳосилининг энг юқори миқдорига тупроқ намлигининг барқарор юқори даражада бўлишини таъминлаш орқали эришилади, яъни ўсимликнинг илдиз қисмидаги (0,6-0,8 м) намлик даражаси экиш муддатидан бошлаб 13-14 та барг шакллангунига қадар бўлган даврда тупроқнинг намга тўйинганлик даражаси 70% дан пастга тушиб кетмаслиги ва 13-14 барг шакллангандан то дон билан тўладиган даврга қадар 80% дан пастга тушиб кетмаслиги керак. Суғориш меъёри енгил тупроқли майдонлар учун 500-600 м<sup>3</sup>/га, ўртача оғир тупроқли майдонлар учун 600-800 м<sup>3</sup>/га ва оғир тупроқли майдонлар учун 800-1000 м<sup>3</sup>/га оралиғида бўлиши лозим.

Маккажўхори суғориладиган деҳқончилик амалиётида қўлланиладиган барча усуллардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, доимий пушталар усули билан суғорилади. Юзлантиб суғориш кенг тарқалган. Доимий пушталарни суғориш юзлантиб суғоришнинг янги усули ҳисобланади.

Суғориш ариқларига сув етказиб беришнинг (суғоришнинг) анча илғор усуллари мавжуд бўлиб, улар сирасига, жумладан, эгилувчан нейлон шланглар ҳамда тупроқ остига 40 см чуқурликда жойлаштириладиган ёпиқ қувурлардан қилинган юзланувчан сув насослари билан таъминланган йиғма қувурларни киритиш мумкин (9-расм).

Пушталарнинг узунлиги майдон нишаблиги, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, қандай оқибатда сув миқдори ва майдон рельефи хусусиятларига қараб 60-100 метрдан 250-400 метргача бўлиши тавсия қилинади.

Ўзбекистон, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги суғориладиган ерларда маккажўхорини пуштага экиш усулида етиштириш модели 9.2-иловада келтирилган.

Жанубий Қозоғистоннинг бўз тупроқларида дон учун маккажўхори етиштиришда суғориш учун мўлжалланган сувдан оқилонга фойдаланиш ва ўсиш даврида суғоришдан олдинги тупроқнинг намга тўйинганлик даражасини 70-80% даражада сақлаб туриш учун тупроққа оптимал чуқурликкача (0,5-0,7-0,6 м) намликнинг барқисмини таъминлайдиган даражада суғориш тавсия қилинади:

– 149-153 кунда етиладиган кеч пишувчи дурагай навлари учун ўсиш даврининг 132-136 кунда: ёмғир кўп бўлган йилларда 2120 м<sup>3</sup>/га ҳажмда



© ФАО/Д. Сиддик

Намак. Сифон қувурлар ёрдамида ариқ очиб суғориш технологияси (чапда) юзлантиб суғоришнинг кичик ҳажмли воситаларидан фойдаланиш (ўнгда)

SDVU Axborot-resurs markazi  
Inv № 342685

Маккажўхори суғориладиган деҳқончилик амалиётида қўлланиладиган барча усуллардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, доимий пушталар усули билан суғорилади. Юзлатиб суғориш кенг тарқалган. Доимий пушталарни суғориш юзлатиб суғоришнинг янги усули ҳисобланади.

Суғориш ариқларига сув етказиб беришнинг (суғоришнинг) анча илғор усуллари мавжуд бўлиб, улар сирасига, жумладан, эгилувчан нейлон шланглар ҳамда тупроқ остига 40 см чуқурликда жойлаштириладиган ёпиқ қувурлардан қилинган мосланувчан сув насослари билан таъминланган йиғма қувурларни киритиш усулидан (9-расм).

Пушталарнинг узунлиги майдон нишаблиги, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, ҳолда оқибатган сув миқдори ва майдон рельефи хусусиятларига қараб 60-100 метрдан 250-400 метргача бўлиши тавсия қилинади.

Қазқистон, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги суғориладиган ерларда маккажўхорини пуштага экиш усулида етиштириш модели 9.2-иловада келтирилган.

Жанубий Қозоғистоннинг бўз тупроқларида дон учун маккажўхори етиштиришда суғориш учун мўлжалланган сувдан оқилонга фойдаланиш ва ўсиш даврида суғоришдан олдинги тупроқнинг намга тўйинганлик даражасини 70-80% даражада сақлаб туриш учун тупроққа оптимал чуқурликкача (0,5-0,7-0,6 м) намликнинг баридини таъминлайдиган даражада суғориш тавсия қилинади:

- 149-153 кунда етиладиган кеч пишувчи дурагай навлари учун ўсиш даврининг 132-136 кунда: ёмғир кўп бўлган йилларда 2120 м<sup>3</sup>/га ҳажмда



© ФАО/Д. Сиддик

Рис. 9.2. Сифон қувурлар ёрдамида ариқ очиб суғориш технологияси (чапда) ва юзлатиб суғоришнинг кичик ҳажмли воситаларидан фойдаланиш (ўнгда)

SDVU Axborot-resurs markazi  
Inv № 342685

суғориш, қурғоқ йилларда эса 3300 м<sup>3</sup>/га ҳажмида суғориш;

- ўта кеч пишувчи навлар учун: серёмғир йилларда суғориш ҳажми 2630 м<sup>3</sup>/га ва қурғоқчил йилларда 3930 м<sup>3</sup>/га бўлиши лозим.

Маълумки, маккажўхорининг дон ҳосили ўсиш даври муддати ҳамда ассимиляция юзасининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Дурагай ёки навининг пишшиш даври қанча узун бўлса, кўчатлар ассимиляция базасига шунчалик муштаҳкам ўрнашади ва дон ҳосили шунга яраша юқори бўлади.



### 3. ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРМАСДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЭКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

#### 3.1. Кузги буғдойни (*Triticum aestivum*) суғориладиган ерларда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш

Тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти ҳам фермерлар учун, ҳам атроф-муҳитни асраш учун фойдали. Тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти тизимлари лойиҳа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда тупроқ "эрозиялиги" ва унумдорлигини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга. Буғдой тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиётини татбиқ қилишни бошлаш учун энг қулай экин бўлиб, унинг ҳосили йиғиштириб олингандан кейин бошқа экинлар ҳам шудгор қилмасдан экиш усулида етиштириш мумкин.

Девончилик тизими буғдой етиштиришга асосланган лойиҳа мамлакатларида бу катор тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар давомида ерга ишлов беришнинг турли усуллари ҳамда уруғ меъёрининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Шудгор қилмасдан экиш усулида кузги буғдой ҳосилдорлиги бошқа усулларга нисбатан юқорироқ бўлди (**5-жадвал**). 2013 йилда шудгор қилмасдан экиш усулида етиштирилганда энг юқори ҳосил 6,71 т/га даражасида қайд қилинди. Аъёнавий экиш усулида бу кўрсаткич 6,54 т/га миқдорда қайд этилди. Бу тажрибалар Нурбеков ва бошқаларнинг (2012 йил) маълумотларига мос келади. Шунинг айтишича, шудгор қилмасдан экиш орқали олинган кузги буғдой ҳосил-

**5-жадвал.** Тупроққа турли ишлов бериш усуллари ва уруғ меъёрининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири, т/га

	Уруғ меъёри					
	4 миллион дона уруғ		5 миллион дона уруғ		6 миллион дона уруғ	
	2012	2013	2012	2013	2012	2013
Шудгор қилмасдан экиш	6,08	6,04	6,54	6,36	6,13	6,20
Шудгор қилмасдан экиш	4,69	4,19	4,90	4,46	5,45	4,73
Шудгор қилмасдан экиш	5,40	5,85	6,71	6,30	6,41	6,65

дорлиги анъанавий ва минимал даражада ишлов бериш орқали олинган буғдой хосилдорлигига нисбатан юқорироқ бўлган. Шунингдек, шудгор қилинмаган тупроқ таркибида бир қатор ўзгаришлар рўй берганлиги ҳам аниқланган.

### 3.2. Кузги буғдойни лалмикор ерларда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш

Ёғингарчилик миқдори, гидрологик ва гидротермал шароитлар ҳамда маъмурий бўлинишига қараб, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги лалмикор ерлар қуйидаги уч хил ҳудудга бўлинади:

- намлик билан ўта юқори даражада таъминланган лалмикор ҳудудлар (денгиз сатҳидан 600-1,500 метр баландликда, ёғингарчилик миқдори 600 мм дан юқори);
- намлик билан ўртача даражада таъминланган лалмикор ҳудудлар (денгиз сатҳидан 350-600 метр баландликда, ёғингарчилик миқдори 300 мм дан 600 мм гача ораликда);
- намлик билан кам таъминланган лалмикор ҳудудлар (денгиз сатҳидан 200-300 метр баландликда, ёғингарчилик миқдори 200-300 мм).

Сидиқ ва бошқалар (2009 йил) ҳамда Юсупов ва бошқалар (2004 йил) кузги буғдой етиштиришда шудгор қилмасдан экиш имконияти ва шудгор қилиш даражасини камайтириш йўлларини ўрганиб чиқишган. Тадқиқот натижалари Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги лалмикор ерларда кузги буғдойни тўғридан-тўғри экиш йўли билан ўғитлар ва гербицидларни қўллаш орқали шудгор қилмасдан етиштириш мумкинлигини кўрсатди. Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги лалмикор ерларда тўғридан-тўғри экиш усулига бир неча навлар жуда моқ маълум бўлди (Сидиқ ва Исабеков, 2011; Юсупов ва бошқалар, 2004).

Анъанавий шудгор қилишга асосланган лалмикор ерлардаги энг катта муамма – бу қора шудгор бўлиб, у бегона ўтларга қарши кураш мақсадида тупроққа катта маротаба ишлов берилганида тупроқ эрозияси ва деградациясига сабаб бўлади. Шудгор қилмасдан экиш амалиёти қўлланилганда эса анъанавий экинларга нисбатан тупроқ намлигининг ошиши ва эрозиянинг камайиши мумкин бўлади аниқланган. Экинларни алмашлаб экиш ва экин учун мўлжалланган ерларни тегишли тарзда тузиб чиқилиши ўсиш даврида тупроқдаги намлик захирашдан тўлиқ фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш омилларидан имкон қадар фойдаланишга шароит яратиши керак. Ушбу омилларга қуйидагилар кирадис: экиннинг оптимал қалинлиги, экиш усуллари, ўғит миқдорини оптимал равишда қўллаш, дон экинларини етиштиришда маҳаллий мослаштирилган навлардан фойдаланиш тежаш технологияларидан фойдаланиш. Умуман олганда, экинларни алмашлаб экишда кузги буғдой кўп йиллик хашаки дуккакли (беда), дуккакли дон экинлари полиз ва махсардан кейин экилади.



20-расм. Маҳаллий СЗС-2.1 анғизга экиш сеялкаси (чапда) ва шудгор қилинмаган ерга экишга мўлжалланган FANKHAUSER 2115 сеялкаси (ўнгда)

### 3.2.1. Вақтида экиш, меъёрлар ва уруғ экиш чуқурлиги

Баҳорда дала ишлари бошланиши билан кузги буғдойнинг экилиш қалинлиги ва қишдан омон чиққан экинлар миқдори баҳоланади. Кузги буғдойнинг вегетатив ўсиш даври бошланганда қўшимча азот ўғити бериш муҳим, негаки бу давромда буғдой кўчати совуқдан заифлашиши мумкин ва унга азотли ўғит бериш талаб қилинади. Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги тупроқ ва иқлим шароитлари ҳамда худудларнинг фарқлилигини инобатга олган ҳолда азот ўғитини қўллаш миқдори талабга қараб белгиланади. Вақт ўтиб тупроқни қайта тикловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти доирасидаги тупроқ "саломатлиги" яхшиланиши билан ўғит қўллаш миқдори ўзгартирилиши (қайтарилиши) мумкин.

Вақт ўткили метеорологик маълумотларга кўра, ёз мавсумида ёғингарчилик микдори июнь, июль, август ва сентябрь ойларида ёмғир кам ёғади ёки умуман ёғмайди. Кўп йиллик об-ҳаво маълумотларига кўра дала тажрибалари ўтказилган даврларда (2012-2013) ёғингарчилик миқдори қуйидагича бўлганлигини кўриш мумкин: октябрь ойи бошида Озарбайжонда 39 мм, Қозоғистонда 37 мм, Ўзбекистонда 23 мм, ноябрь ойида Тер-тер, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда 32 мм ва 34 мм ҳамда декабрь ойида 64 мм.

Вақт ўткили ўзгариши оқибатида Озарбайжон, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги об-ҳаво ва иқлим билан боғлиқ омиллар ҳам ўзгармоқда. Бу ҳолда экишдаб ўтилганидек, ёз ва эрта кузда об-ҳаво жуда қуруқ келмоқда. Бу ҳолда қуруқ аҳамият касб этувчи экиш олдидан тупроққа ишлов бериш зарурлиги қураккабластиряпти. Натижада, лалмикор ерларда кузги буғдойни экиш вақтидаги оптимал даврдан кечикмоқда. Бундан ташқари, ёнилғи-қураккабластиряпти нархининг ошиши ва ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий

имкониятлари баъзи экин турларини етиштириш амалиётининг ўзгаришига сабаб бўляпти. Агар куз қуруқ келса, экинлар оптимал экиш муддатида экилишига қарамасдан (Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистонда октябрнинг биринчи ва иккинчи декадаси) уруғларнинг тўлиқ униб чиқишига эришиш муаммоли бўлиб қолади.

Фермерлар сараланган уруғни қуруқ тупроққа экиб, ёғингарчилик ҳисобига тўлиқ униб чиқишини кутишади. Аммо ҳозирги кузги қурғоқчилик шароитида (оптимал экиш даврида экилиб, қуруқ тупроқда 30 кундан ортиқ муддат қолиб кетган уруғлар униб чиқиш кучини йўқота бошлайди ва униб чиқиш даражасининг пастлиги шу омил билан изоҳланади) экинларнинг униб чиқиш даражаси 45-55% га тушиб кетяпти. Шу боис униб чиққан майсаларнинг бақувватлигини таъминлаш учун кузги экинларнинг бир текисда униб чиқишига эришиш муҳим бўлиб, айнан мана шу омил экинларнинг майса бўлиш даврида бўлажак ҳосилдорлик даражасини белгилайди (9.3-илова).

Анғизга экувчи СЗС-2.1 (10-расм) ёки FANKHAUSER 2115 сеялкалар (10-расм) билан шудгор қилмасдан тўғридан-тўғри усулда экилганда тупроқ намлиги даражаси эътиборга олиниши керак. Экиш тупроқнинг юқори қисми 12-18 см чуқурликкача нам бўлганда ва сеялка тупроқнинг қаршилигисиз эркин ҳаракатлана оладиган вақтда бошланиши лозим. Бу экинларнинг бир текис униб чиқишига эришиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

### 3.2.2. Экиш муддати ва уруғ меъёри

Кўп йиллик об-ҳаво маълумотларига кўра, Жанубий Қозоғистон вилояти ва Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида кузги буғдойни экиш вақти серёмғир йилларда (ёғингарчилик эрта – октябрь ойининг биринчи ва иккинчи декадасида келиши) октябрь ойининг учинчи декадаси бошига, қуруқ йилларда эса ноябрь ойининг биринчи ва иккинчи декадасига тўғри келади.

Худудлар бўйича ҳамда экинлар навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, кузги буғдойни тўғридан-тўғри экишда турлича ёндашув талаб қилинади:

- ёғингарчилик миқдори йилига 600 мм дан ошадиган лалмикор ерларда 3.5-4.0 миллион дона;
- ёғингарчилик миқдори йилига 300-600 мм оралиғида бўладиган лалмикор ерларда 3.0-3,5 миллион дона;
- ёғингарчилик миқдори йилига 200-300 мм оралиғида бўладиган лалмикор ерларда 2.5-3.0 миллион дона унувчан уруғ экиш тавсия қилинади.

Ушбу уруғ экиш меъёрлари оптимал экиш муддати учун тавсия этилади (октябрь ойининг 2- ва 3-декадаси ҳамда ноябрь ойининг биринчи декадаси). Но

сентябрь ойи охирида ва декабрь ойи бошларида экилганда уруғ миқдорлари 10-15% га оширилиши керак. Экиш муддати янада кечикканда “Память-47” (дуварак буғдой) ва “Интенсивная” (дуварак буғдой), “Санзар-4”, “Тезпишар” навлари тавсия қилинади, чунки бу навлар кеч экилганда энг яхши ҳосил бериши исботланган.

### 3.2.3. Ўғитларнинг қўлланилиши ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш

Уруғ экиш пайтида фосфор 20-30 кг/га миқдорида қўлланилади. Бу илдиз тизимининг ривожланишига ёрдам беради ва совуқ қиш шароитида кузги буғдойнинг чидамлилигини кучайтиради ҳамда минг дона дон вазнини оширади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Жанубий Қозоғистондаги кам ва ўртача даражадаги намлик миқдори кузатиладиган лалмикор ерларда азот ўғитининг оптик қўлланиш миқдори 35-50 кг/га ни ташкил этади. Намлик миқдори юқори бўлган лалмикор ерларда азот ўғитининг қўлланиши миқдори 1,5-2,0 баравар юқори бўлиб 70 кг/га гача оширилиши керак (Сидик ва бошқалар, 2009 йил; Юсупов ва Абдурашидова, 2009 йил). Вақт ўтиб тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти доирасидаги тупроқ “саломатлиги” яхшиланиши ва ҳосилдорлигини ошириши билан ўғит қўллаш миқдори камайтирилиши мумкин.

Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги лалмикор ерларда кузги буғдойни экишдан қилмасдан экиш учун тавсия қилинган моделлар 9.3-иловада келтирилган.

Эрта баҳорда азотли ўғитларни қўллаш бўз тупроқли ерларда кузги буғдойни экишдан қилмасдан экиш амалиётида муҳим тадбир ҳисобланади. Жумладан, эрта баҳорда азотли ўғитнинг ўз вақтида қўлланилиши дон ҳосилдорлигини 2,0 т/га гача ошириши мумкин бўлиб, бу анъанавий қишлоқ хўжалиги тизими доирасида олинадиган ҳосилдорликдан 0,4-0,5 тн/га га кўпроқдир.

Қишлоқ хўжалиги экинларини бошқариш жараёнини изчил ва тегишли муддатларга амал қилган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, эрта баҳорда азотли ўғитни қўллаш ва донли бегона ўтларга қарши кураш учун эрта баҳорда азотли ўғитдан ундан сўнг эса гербицид ва гербицид билан азот комбинациясини (Аматен-супер 480 сувли эритмаси – 0,6 т/га + Торік 080 ЭК – 0,4 т/га) қўллаш 0,5-2,7 т/га гача миқдорда кўпроқ дон ҳосили олинишини таъминлаши мумкин.

Донли экинлар махсус комбайнларда ўриб олиниши лозим. Бу комбайнлар қўлдан олинадиган, юқори самарадорлик кўрсаткичига эга бўлган сомон майдаловчи ва сочиб кетувчи қурилма билан жиҳозланган бўлиши керак. Ўриш давомида сомонларнинг нотекис тақсимланиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки ўсимлик қолдиқлари тўпланиб қолган ерлар экишга салбий таъсир этади. Танлаб ўриш вақтида сомонларда қолдиқлар қилиб кетишига сабаб бўлади. Ҳосил ўрилгандан кейин сомонларда қолдиқлар қилиб кетишига сабаб бўлади. Ҳосил ўрилгандан кейин сомонларда қолган ўсимлик қолдиқлари қишда қорни ушлаб қолиб, унинг баҳорда

бир текис эришига ёрдам беради. Бу эса қорнинг тупроққа сингиши ва тупроқ намлиги миқдорининг ошишига хизмат қилади ва сув оқимини камайтиради.

### 3.2.4. Кузги буғдойни тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш технологиясининг иқтисодий ва энергетик таҳлили

Иқтисодий таҳлил – муайян қишлоқ хўжалиги экинларини бошқариш амалиётининг самарадорлиги мезонидир. Меҳнат ва ишлаб чиқариш харажатларини қишлоқ хўжалиги экинларини бошқариш амалиётини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

Шудгор қилмасдан тўғридан-тўғри экилган кузги буғдойнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили Қозоғистонда экин етиштиришда азотли ўғитларнинг қўлланилиши ва гербицидлардан фойдаланишнинг самарадорлигини намоён этди (Сидиқ ва Карабалаева, 2010 йил). Жумладан, анъанавий экиш амалиётида бавосита харажатлар гектарига 170 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шудгор қилмасдан тўғридан-тўғри экиш амалиётида харажатлар 100 АҚШ долларигача қисқарди. Бунда соф фойда 1,9 баробар ўсди ва ўртача 300-320 АҚШ долларини ташкил этди. Юз килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатлар 6 АҚШ долларига тенг бўлиб, бу анъанавий технологияга нисбатан деярли 1,7 баробар кам (10-11 АҚШ доллари).

### 3.3. Шудгор қилинмаган ерга маккажўхори экиш



11-расм. Озарбайжонда кузги буғдойдан сўнг шудгор қилинмасдан экилган маккажўхори (чапда) ва Қозоғистонда бедадан сўнг шудгор қилинмасдан экилган маккажўхори (ўнгда)

### 3.3.1. Экиш муддати ва уруғ меъёри

Абендрот ва Элморнинг (2007 йил) маълумотларига кўра, бир гектардаги кўчатларнинг оптимал сони ўша мавсум учун хос бўлган табиий шароитларга қараб 15 000 дан 36 000 гача ўзгариши мумкин. Шундай қилиб, мавжуд технологиялар ҳамда шароитнинг ҳар йили ўзгариб туриши инobatга олинса, ҳозирги пайтда бир гектар доирасида уруғни турли меъёрларда экиш сезиларли даражадаги тежамкорликка олиб келмайди. Шудгор қилмасдан экиш тизимидаги алмашлаб экиш жараёнида маккажўхори кузги буғдой ёки бедадан кейин экилиши керак. Кузги буғдой ҳосили ўриб олингандан ёки пушталарда экилган 3 йиллик беданинг биринчи ўрмидан сўнг июлнинг биринчи декадасида маккажўхори уруғи 6-7 см чуқурликда 23-25 кг/га экиш меъёри билан тўғридан-тўғри экилади (**11-расм**), бунда ўсимлик қалинлиги гектарига 60000 кўчатни ташкил этади.

### 3.3.2. Ўғит ва гербицидларни қўллаш

Маккажўхори озуқа моддалари етишмаслигига жуда сезгир бўлиб, тупроқда озуқа моддаларининг миқдорини аниқлаш учун тажриба ўсимлиги ҳисобланади. Маккажўхори ўсишининг барча босқичларида – то дон ҳосил бўлгунига қадар азотли ўғитлар узлуксиз бериб турилиши керак. Маккажўхори ўсишининг дастлабки босқичларида азот етишмаслиги дон ҳосилдорлигини сезиларли даражада камайтириб юборади. Азотни 160 кг/га, фосфорни эса 90 кг/га миқдоридида қўллаш тавсия қилинади. Ёш маккажўхори ўсимлиги ўсишнинг дастлабки босқичларида фосфор талаб қилади. Фосфорни 90 кг/га миқдоридида солиш лозим, азотни эса тенг 3 га бўлиб солинади. Азот биринчи марта экинни экиш вақтида фосфор билан биргаликда солинади. Иккинчи марта экин экилгандан кейин 30 кун ўтгандан сўнг ва учинчи марта рўвак чиқаргандан сўнг солинади.

Экин 3-5 та барг чиқариш даврида бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилиши мумкин бўлиб, бунда ишчи суюқлик сарфи 250-300 л/га ҳажмида лозим. Гербицидлар бегона ўтларни ўртача 80-82% га камайтиради, бу камайтириш неча амалиёт, жумладан, молалаш, қатор оралаб ерни юмшатиш, бегона ўтларни қўлда тозалашдан воз кечиш имконини беради.

### 3.3.3. Тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш усули билан маккажўхори етиштиришда сувдан фойдаланиш


Маккажўхори олингандан сўнг янги экин экишдан аввал майдонни тупроқ қатқили таврибига қараб 350-450 м<sup>3</sup>/га миқдоридида суғориш керак. Жанубий Қозонистонда шудгор қилинмаган ерда маккажўхори етиштиришда ҳар хил тупроқ қатқили майдонларда суғориладиган сувдан оқилонга фойдаланиш мақсадида сувдан фойдаланиш ҳамга тўйинганлик даражасини ўсиш мавсуми давомида 70-80%

миқдорда ушлаб туриш учун тупроқнинг оптимал чуқурликда (0,5-0,7 метр) намликка тўйинишини таъминлайдиган даражада қуйидаги схемалар бўйича суғориш тавсия қилинади:

Ёғингарчилик ўртача миқдорда бўлган йилларда 2-3 марта умумий 2400 м<sup>3</sup>/га ҳажмида; қуруқ йилларда 3-4 марта умумий 3200 м<sup>3</sup>/га ҳажмида суғорилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти доирасида экинларни етиштириш умумий сув истеъмолини анъанавий амалиётга нисбатан 25-26% га камайтириш имконини беради. Жумладан, бу кўрсаткич тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиётида 4374 м<sup>3</sup>/га бўлса, анъанавий деҳқончиликда 5914 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади.

Пуштага экишнинг асосий афзаллиги сув тежамкорлигидадир. Мазкур технология қўлланилган шароитда деярли барча фермерлар суғориш вақти 30-35% га



**12-расм.** 2012-2013 йилларда шудгор қилиб экиш тизимида маккажўхоридан олинган қўқ масса ҳосилдорлиги (Қозоғистон).

қисқарганини маълум қилишган. Шу боис пуштага экиш тизимидаги ҳосилдорлик бостириб суғориладиган майдонлар тизимида олинадиган ҳосилга нисбатан юқори бўлади (Нурбеков, 2008 йил). Ушбу натижалар Фахонг ва бошқаларнинг (2004 йил) Хитой бўйича маълумотларига мос келади. Ушбу муаллифлар сувдан фойдаланиш самарадорлиги 21-30% га ошгани ва суғориш учун ишлатиладиган сув тежамкорлиги 17% ни ташкил қилганини қайд этишган. Сувдан фойдаланиш самарадорлиги пуштага экиш тизимида (2,36 м<sup>3</sup>) анъанавий экиш тизимида (1,85 м<sup>3</sup>) нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган.



**6-жадвал. Ўзбекистондаги тупроққа ишлов бериш усулларининг маккажўхори дон ҳосилдорлигига таъсири (2012-2013 йиллар)**

Экиш усули	Йиллар		Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Ҳосилдорликдаги фарқ, %
	2012	2013		
Анъанавий шудгор қилиш	7,64	7,38	7,51	0
Минимал ишлов бериш	7,32	7,44	7,38	98,2
Шудгор қилмасдан экиш	8,13	7,51	7,82	104,1

**3.3.4. Тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш усули билан етиштирилган маккажўхори ҳосилдорлиги**

Маккажўхорининг яшил пояси ҳосилдорлиги 44,3 т/га дан 50,0 т/га гача бўлади. Иккала йилда ҳам шудгор қилмасдан ва анъанавий экиш амалиёти даражадаги ҳосилдорлик минимал даражада шудгор қилиб экишга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган (**12-расм**). Натижалар шуни кўрсатдики, шудгор қилмасдан экиш амалиёти маккажўхоридан яшил поя ҳосили олиш учун тайёр. Маккажўхорининг кўк масса ҳосили доннинг сут пишиш даврида йиғиб олинди.

Ўзбекистонда шудгор қилмасдан экиш усулида экилган маккажўхоридан олинган дон ҳосилдорлиги (7,82 т/га) тупроққа минимал ишлов бериш билан етиштирилган (7,38 т/га) ва анъанавий шудгор қилиб экилган (7,51 т/га) дон ҳосилдорлигидан юқори бўлган. 2012 йилда шудгор қилмасдан экиш ва анъанавий экиш усулида олинган дон ҳосилдорлиги сезиларли даражада юқори бўлган, лекин ерга ишлов беришдаги фарқ унчалик катта бўлмаган. 2012 йилда ерга ишлов беришдаги фарқ сезиларли бўлган. 2013 йилда ерга ишлов беришдаги фарқ анча кичик бўлган (**6-жадвал**). Дон учун етиштирилган маккажўхори тўлиқ қилиб етилгандан сўнг йиғиб олинган.

**3.3.3. Тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш усули билан етиштирилган маккажўхори етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**

Шудгор қилмасдан экиш тизими каби янги технологияларнинг жорий қилиниши фермерлар даромадларини ошириш имконини беради. Лойиҳанинг амалга ошириш кўрсаткичларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланган ёқилғи нархи қимматлашди. Ушбу тажрибаларга жалб қилинган фермерлар билан ўтказилган маслаҳатлашувларда фермерлар ўз ерларида шудгор қилмасдан экиш амалиётини жорий қилишга тайёр эканликлари билан бўлди. Шудгор қилмасдан экиш ва минимал даражада шудгор қилиб

© ФАО/ А. Нурбеков



**13-расм.** Лалмикор ерларда (чапда) ва суғориладиган ерларда (ўнгда) шудгор қилмасдан экиш усулида етиштирилган беда

экиш амалиётида соф даромад мос равишда 736,5 ва 641,9 АҚШ долларини ташкил этган, бу эса анъанавий шудгор қилиб экиш амалиётида олинган 595,3 АҚШ долларига қараганда 123,7% ва 107,8% га кўпроқдир. Даромад ва харажат нисбати анъанавий экиш усулида 45,9% бўлган бўлса, шудгор қилмасдан экиш тизимида 57,3% бўлган (**7-жадвал**). Бу натижалар тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти доирасида маккажўхорини ем-хашак олиш мақсадида шудгор қилмасдан экиш усулида етиштириш чорвадорларга арзон ем-хашакдан фойдаланиш натижасида, Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида чорвачилик самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкинлигидан далолат беради.

**7-жадвал.** Қозоғистонда маккажўхорини шудгор қилмасдан ва анъанавий экиш усулларида етиштирилгандаги даромад ва харажатлар кўрсаткичлари

Экиш усули	Кўк масса ҳосилдорлиги, т/га	Жами ишлаб чиқариш харажатлари, АҚШ доллари/га	Жами даромад, АҚШ доллари/га	Соф даромад, АҚШ доллари/га	Даромад ва харажат нисбати
Шудгор қилмасдан экиш	48,5	548,6	1 285,1	736,5	57,3
Анъанавий шудгор қилиш	47,0	701,4	1 296,6	595,3	45,9
Минимал ишлов бериш усули	44,8	647,3	1 289,2	641,9	49,7

### 3.4. Лалмикор ва суғориладиган ерларда тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш усулида беда етиштириш

Ўзбекистон ва Қозоғистонда беда (*Medicago sativa*) таркибида оқсил миқдори юқори бўлган ўт, силос, пичан ва витаминларга тўйинган ун каби моддалар билан таъминловчи муҳим ем-хашак экинларидан биридир. Беда тупроқ унумдорлигини тиклашга ёрдам беради, нишаб ерларни сув эрозиясидан қўқайди ва суғориладиган ерларда тупроқ шўрланишининг олдини олади. Лалмикор ерларда беда ҳосили, асосан, тупроқда ёғингарчилик ҳисобига ҳосил бўлган намлик миқдорига боғлиқ (**13-расм**). Беда асосан ёғингарчилик миқдори 600 мм дан юқори ва 350-600 мм оралиғида бўладиган лалмикор ерларга ҳамадан ёғингарчилик миқдори 300 мм дан кам бўладиган лалмикор ерларда етиштирилади.

Беда барча экинлар учун алмашлаб экиш тизимида энг муҳим ва мақбул экин бўлиб, Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистон вилоятидаги лалмикор ерларда барча ҳамаданги экинлар билан алмашлаб экиш учун тавсия қилинади. Ёғингарчилик миқдори етарли бўлган лалмикор ерларда 10 далали дон ва ем-хашак экинлари алмашлаб экиш тизимида беда 40% ни ташкил этади.

Бедадан олинадиган пичан ҳосилдорлиги намлик даражаси юқори бўлган лалмикор ерларда 6,0 т/га, намлик даражаси ўртача бўлган лалмикор ерларда 3,5 т/га ва намлик даражаси паст бўлган лалмикор ерларда 1,5-2,0 т/га га етган, бу ҳақда табиий пичанзорлардан олинадиган ҳосилдан сезиларли даражада юқори.

Беда етиштириш учун майдон танлашда беданинг бегона ўтларга юқори даражада сезувчан эканлиги инобатга олиниши даркор. Илдизмевали бегона ўтлар беда учун, айниқса, зарарли ҳисобланади, чунки уларнинг тарқалиши бедадаги яшил модданинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Намлик даражаси етарли бўлмаган ерларда беда етиштириш учун бегона ўтлардан зарарланиш олдиндан паст ҳамда табиий намлик даражаси юқори бўлган пасттекисликдаги экинларни ажратиш тавсия қилинади.

Бедадан ҳаёт циклининг дастлабки тўрт йили давомида юқори даражадаги пичан ва уруғ ҳосили олинади. Кейинчалик поясининг ингичкалашиши ва кенгайиши билан бегона ўтларнинг таъсирида унинг ҳосилдорлиги пасаяди. Шу боис дон ва ем-хашак экинларини алмашлаб экиш жараёнида беда 3-4 йил, баъзида 5-6 йил давомида экилади. Лалмикор ерларда беда экин майдонларини ташкил қилишда химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги технологияларини қўлдан келтирилган ҳолда кенгайтириш чорвачилик учун етарли даражадаги ем-хашак экинларини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Жануб-ғарбий Қозоғистон чорвачилик ва ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ва ФАОнинг тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти лойиҳаси доирасида амалга оширилган дала тажрибалари натижасида бедани лалмикор ерларда шудгор қилмасдан экиш усулида етиштириш амалиёти яратиб чиқилди (9.4-иловага қаранг).

### 3.4.1. Шудгор қилинмаган ерга беда экиш муддати ва уруғ меъёри

Беда шудгор қилинмаган ерга экин экиш учун мослаштирилган FANKHAUSER 2115 русумли сеялка воситасида қаторлар ораси 30 см, экиш чуқурлиги 1-2 см оралиғида, бироқ 3 см дан чуқур бўлмаган ўлчамларда экилади. Экиладиган уруғ меъёри қуйидагича бўлиши тавсия қилинади: намлик даражаси яхши бўлган лалмикор ерларда 12 кг/га, намлик даражаси ўртача ва паст бўлган лалмикор ерларда 8-10 кг/га. Беда етиштиришда қуйидаги навлар ишлатилади: Жанубий Қозоғистонда «Красноводопадская скороспелая», «Красноводопадская-8» навлари ва Ўзбекистонда «Аридная» нави.

Ёғингарчилик билан ўртача ва кам таъминланган лалми ерларда беда экиш учун энг оптимал давр – февраль ойининг охири ва март ойининг биринчи декадаси, ёмғир билан ўта яхши таъминланган лалми ерларда эса апрель ойининг биринчи декадаси ҳисобланади. Бедани экиш муддатини шундай танлаш керакки, унда тупроқнинг юқори қатламида қатқалоқ бўлмасидан уруғ униб чиқишга улгуриши керак, чунки тупроққа ишлов бермасдан экин етиштириш технологиялари жорий этилмаган ерларда тупроқ қоплами шаклланмаган.

Шудгор қилмасдан экиш амалиёти тупроққа ҳар қандай механик ишлов беришни истисно қилади. Тупроқнинг гидрофизик, тўқима ва биологик хусусиятларини яхшилашга экин майдони юзасида тик турган узун пояларни қолдириш, майдалаш ва ҳатто сомон ёйиб чиқиш орқали эришилади. Бу биологик парчаланиш натижасида ўсимлик қолдиқларидан иборат мульча қатлами ҳосил бўлади ва у тупроқнинг юза қатламини экстремал ҳароратларда ҳимоя қилиб, тупроқнинг “саломатлиги”ни яхшилади ва унумдорлигини оширади.

### 3.4.2. Ўғитларни қўллаш

Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистондаги суғориладиган ва лалмикор ерларда беда муҳим ем-хашак экини ҳисобланади. Беда юқори ҳосил берувчи, юқори сифатли кўп йиллик ем-хашак учун етиштириладиган экин бўлиб, тупроқдаги ўсимлик озуқа моддаларини катта миқдорда тортиб олади. Беда етиштиришнинг оптимал даражасини таъминлаш учун озуқа моддалари ўз вақтида ва керакли миқдорда таъминлаб берилиши керак (Lanyon and Griffith, 1988 йил). Умумий амалиётга кўра, беда ҳаётининг биринчи йилида ўғит қўлланилмайди, чунки бу ҳосилдорлик нисбатан паст бўлишига олиб келади, аммо янги экилган беданинг униб чиқиш пайтига келиб у фосфор, калий ва бошқа ўсимлик озуқа моддалари билан таъминланиши керак. Ем-хашак учун беда етиштиришда пухта режалаштирилган ўғитлаш дастурига амал қилиш зарур. Берг ва бошқаларнинг (2003 йил) маълумотларига кўра, умумий мавсумий озуқа моддаларига бўлган талабни қондириш учун озуқа моддаларига талаб энг юқори бўладиган даврларда қўллаш учун керакли миқдордаги озуқа моддалари тайёрлаб қўйилиши лозим. Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда озуқа моддаларига бўлган энг юқори талаб майдон юзасини экин тўлиқ қоплаб, жадал ўсиш даври давом этаётган дуккаклар ривожланиш даврининг охирига тўғри келади. Экиш даврида 33 кг/га миқдорда фосфор қўллаш янги униб чиққан майса ҳажминини фосфор қўлланмагандагига нисбатан 4 марта оширишини кўрсатди. Беда,

шароитда, керакли азот миқдорини азот ўғитини симбиотик сингдириш, орқали оқимса-да, баҳор ойида азот ўғитининг қўшимча равишда бир марта қўлланилиши оғир-ҳашак ҳосили ошишига олиб келиши мумкин (Раун ва бошқалар, 1999 йил). Аммо тупроқ “саломатлиги” яхшилангандан кейин ва унда органик моддалар даражаси юқори бўлса, қўшимча ўғит қўллаш шарт бўлмаслиги мумкин. Суғориладиган ва лалмикор ерларда беда етиштириш бўйича адабиётлар ўрганиб чиқилганидан сўнг, азот ўғитини шудгор қилмасдан тўғридан-тўғри экиш даврида 20 кг/га миқдоридида қўллаш тавсия қилинди. Бундан ташқари, минерал ўғитлардан фойдаланиш тупроқнинг агрокимёвий картограммасига асосланиши ва унинг озуқа моддалари таркибини инобатга олиши лозим.

### 3.4.3. Ҳосилни йиғиб олиш

Пичан учун етиштирилган бедани йиғиб-териб олиш экин энг кўп барг чиқарган даврда амалга оширилади. Шунинг учун бедани эрта гуллаш даврида ўриш керак.

Тўғри учун етиштирилган беда уруғларининг 80-85 фоизи жигарранг тусга киргандан бошлаб ўрилиши лозим. Экин қатори сийрак бўлса, уни бевосита комбайн билан ўриб олиш тавсия қилинади, агар экин зич ва баланд ўсган бўлса, танлаб ўриб олиш усулини қўллаш самаралироқ бўлади.

### 3.4.4. Суғориладиган ерларда бедани шудгор қилмасдан экиш

Бедани суғориладиган ерларда шудгор қилмасдан экиш усулида етиштиришда янги агротехникаси худди лалмикор ерлардаги каби бажарилади. Аммо ҳар бир агрономчилик амалиётини амалга ошириш пайти тупроқ ва иқлим шароитларига эътибор бўлади (13-расм).

Сезик ва бошқаларнинг (2008 йил) маълумотларига кўра, суғориладиган ерларда энг юқори ҳосилдорликка азот ўғити ва гербицид қўлланилганда эришилган беда аънавий технология асосида етиштирилганда ҳосилдорлик 6,41 т/га бўлишига эришилган. Экишдан олдин ерга диски мола билан ишлов бериб, шудгор қилмасдан экилганда эса 6,73 т/га, яъни 8,9-11,5% кўпроқ ҳосил олишга эришилган.

Беда ўсув даврининг биринчи йилида юқори ҳосил олинмаслиги маълум. Билан, иккинчи ва учинчи йилларда бедадан анча юқори ўт ва пичан ҳосили олиш мумкин.

## 4. БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

### 4.1. Кузги буғдойни тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экишда бегона ўтларга қарши курашиш

Экинларни шудгор қилмасдан етиштириш тизимида бегона ўтларга қарши курашиш анча самарали экани маълум (Сидиқ ва бошқалар, 2008 йил). Марказий Осиё давлатларидаги фермерларнинг айтишича, экинлар ичига аралаштириб экиладиган экин ва гербицидлар мавсум давомида бегона ўтларга қарши курашиш учун талаб қилинган тадбирлар сонини камайтиришга ёрдам беради. Баҳорги буғдой анъанавий шудгор қилиш усулида экилганда кузатиладиган бегона ўтлар билан зарарланиш даражаси буғдой шудгор қилинмаган ерда етиштирилганда кузатилган ҳолат билан бир хил. Экин қолдиқлари билан қопланган тупроқ бегона ўтлар ўсишини чеклаши ва ерга умуман ишлов бермасдан тўғридан-тўғри уруғ экилганда юзага келадиган муаммоларни камайтириши мумкин (Сидиқ ва бошқалар, 2008 йил).

Каторлар орасига суғориш жараёнида ишлов бериш бегона ўтларга қарши курашишда кутилган натижани бермайди. Шу сабабли гербицидлар бегона ўтлар турларига қараб кузги буғдойнинг тупланиш босқичида қўлланилиши керак.

Сўнги йилларда кўплаб кичик ва ўрта ҳажмдаги фермер хўжаликлари ташкил этилишига олиб келган қишлоқ хўжалиги ислохотларидан сўнг тавсия этилган дехқончилик амалиётлари (техник жиҳатдан талаб қилинувчи алмашлаб экиш, экишдан олдин ерни тайёрлаш тизими, қишлоқ хўжалиги экинларининг агро-техник тадбирлари ва бошқалар)га амал қилмаслик оқибатида донли экинлар етиштиришдаги фитосанитар ҳолат ёмонлашди.

Ҳозирги шароитда дала ишлари ва алмашлаб экишда дуккакли экинларни етиштиришга янгича ёндашув талаб қилинади, негаки ерга анъанавий усулда ишлов бериш тизимида бегона ўтларга қарши курашиш фермерлар учун асосий қараммо бўлиб қолмоқда. Шу сабабли бегона ўтлардан зарарланиш даражасини, далада мавжуд бегона ўтлар турлари ва миқдорини кузатиб бориш бегона ўтларга қарши курашишнинг комплекс стратегиялари ва экинларни бошқариш бўйича қабул қилиш лозим бўлган тадбирларни белгилаб беради.

#### 4.1.1. Энг кўп тарқалган бегона ўт турлари

Шудгор қилинмаган тупроққа уруғ тўғридан-тўғри экилганда бегона ўтлар миқдори анъанавий ишлов беришга қараганда анча кўпроқ бўлиши аниқланган. Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда кузги дон экинлари майдонларида 33 дан ортиқ (9.5-иловага қаранг) бегона ўт турлари аниқланган (Ҳамроев ва бошқалар, 1999 йил; Аманов ва бошқалар, 2004 йил; Сидиқ ва бошқалар, 2008 йил).

Қозоқ тилида «карасули», ўзбек тилида «ёввойи сули» деб аталадиган ёввойи сули (*Avena fatua*) донли экинлар (масалан, буғдой, арпа) етиштириладиган ерларда ўсадиган энг зарарли бегона ўтлардан бири бўлиб, ҳосилнинг кескин пасайиб кетиши ва дон сифати ёмонлашишига сабаб бўлади. Эрта ўсиш даврида ёввойи сули маданийлаштирилган сулига ўхшаб кетади, аммо кеч яъни, дон шаклланиш даврида узун ҳамда юмшоқ тукли ва бўғинли, қилтиқли бўлади. Умуман олганда, у оғир тупроқли ерларда ва асосан пасттекисликларда ўсади.

Ёввойи сулининг уруғлари 8-10 °С ҳароратда униб чиқади. Униб чиқиш чуқурлиги 15-18 см гача бўлса-да, майсалари заиф бўлади. Энг яшовчан майсалар тупроқ юзасидан 10 см чуқурликда жойлашган уруғлардан униб чиқади. Ёввойи сули уруғлари нотекис ва узоқ вақт давомида ўсиб чиқади. Уруғлар тупроқда ўз яшовчанлик қобилятини 3-4 йил давомида сақлаб қолади. Тупроқдаги ёввойи сули уруғлари сони жуда кўп ва гектарига бир неча миллионга етиши мумкин.

Ёввойи сули умумий ҳосилдорликни камайтириши баробарида доннинг ёввойи сулидан зарарланиши нон сифатининг сезиларли даражада пасайишига ҳамда саралаш ва ташиш учун қўшимча харажатларга сабаб бўлади. Донли экинларнинг ёввойи сулидан зарарланиш ҳолатлари кўпайиб кетаётганлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- донли экинларни етиштиришда экинларни бошқариш тизимининг ҳудудларга хос бўлган талабларга мос келмаслиги (экиш муддатига риоя қилмаслик, қора шудгорларнинг йўқлиги, дехқончилик амалиётларининг сифати пастлиги, экишдан олдин ишлов бермаслик);
- чўзилувчан ажратувчи цилиндрлар билан жиҳозланган дон тозаловчи ускуналар камлиги/етишмаслиги туфайли уруғ экиш талабларига зид равишда ёввойи сули донлари билан зарарланган уруғларни экиш;
- экишдан олдинги ва кейинги даврда ёввойи сулига қарши курашиш учун керакли даражада гербицид қўлланилмаслиги;
- экиш учун ёввойи сулининг макони ҳисобланган ташландиқ ерлардан фойдаланиш.

Ёввойи сулига қарши курашиш зарурияти уларнинг ўта зарарли таъсири билан боғлиқ. Бир метрда битта ёввойи сули поясининг бўлиши баҳорги буғдой ҳосилдорлигини 10 кг/га миқдорда камайтириб юборади. Ёввойи сулига қарши курашиш чоралари экинни бошқариш тадбирлари билан бир қаторда кимёвий моддалар қўлланилишини ўз ичига олади. Бегона ўтларга қарши курашиш доирасидаги экинларни бошқариш тадбирлари тупроқдаги бегона ўт уруғларининг униб чиқишини жадаллаштириб, униб чиққан барча новдаларни йўқ қилиш орқали бегона ўт уруғ манбаини камайтириш, уруғлар дон ҳосилига аралашиб кетилишининг олдини олишга қаратилган. Бироқ экинларни бошқариш тадбирларининг ўзиёқ бегона ўтларга қарши курашиш учун етарли эмас (Аманов ва бошқалар, 2004 йил). Шу боис бундай зараркунанда бегона ўтларга қарши курашиш учун гербицидлар қўлланилиши лозим.

Бегона ўтларга қарши курашиш учун қуйидаги гербицидлар тавсия қилинади: Topik – 080 ЭК – 0,3-0,5 литр/га, Dialen Super 480 С.К. суспензия концентрати +, Topic 080 ЭК – 0,6 литр /га + 0,351 литр/га.

Ўзбек тилида «так-так», қозоқ тилида «каракилтик», деб аталадиган **ёввойи арпа** (*Hordeum spontaneum* с. Koch) маданийлаштирилган арпанинг аجدоди ҳисобланади. Сўнгги йилларда Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда ёввойи арпа табиий танланиш жараёнида кузги буғдой ва арпа билан бирга ўсиш учун осонгина мослашиб олди. Биологик хусусиятларига кўра ёввойи арпа донли экинларга яқин туради ва ёввойи ўт уруғлари маданийлашган экинлар билан бир вақтда униб чиқади. Ҳар қачон экиннинг кейинги ривожланиш босқичлари деярли бир хил. Бироқ ёввойи арпа кузги экинлардан 10-14 кун эрта пишади ва кузги арпа ҳамда буғдой йиғиб олинишидан олдинроқ ўз уруғларини тезда тўкиб ташлайди. Бу ёввойи ўт тури уруғ орқали тарқалади.

Қуйидаги гербицид турлари тавсия қилинади: Topik – 080 ЭК – 0,3-0,5 литр/га, Dialen Super 480 С.К. +, Topic 080 ЭК – 0,6 литр/га + 0,35 литр/га.

Қозоқ тилида «жабисқаққизилбойау», ўзбек тилида «ёпишқоққизилпоя» деб аталадиган **ёпишқоқ чақамиқ** (*Jalium aparine*) – кузги бегона ўтлар гуруҳининг маданий оиласига мансуб бир йиллик ўсимликдир. У уруғ орқали тарқалади. Бу ўсимлик ништини, ёпишқоқ ва ўта серҳосил. Ёпишқоқ чақамиқ бегона ўти уруғлари тупроқни кучли зарарлайди. Бу ўсимлик апрелнинг биринчи декадасида гуллайди ва май ойида ҳосилга кирилади (Аманов ва бошқалар, 2004 йил).

Унга қарши курашиш учун қуйидаги гербицид турлари тавсия қилинади: Dialen Super 480 С.Э. – 0,5-0,7 литр/га, Diamin, 72% С.Э. – 1,0-1,2 литр/га, Esteron ЭК – 0,4-0,8 литр/га.

**Какра** (*Acroptilon repens*) – астерлар оиласига (Compositae) мансуб кўп йиллик «илдизпояли ўсимлик. У кучли илдиз тизимига эга. Унинг илдизи тўғри, ўргимчак шаклига ўхшаб кетади, пастга қараб ўсиб, 25-50 см узунликда бўлади. Уруғлари ва илдиз сўрғичлари орқали тарқалади. Уруғлари эрта баҳорда униб чиқади. Гарчи кўп йиллик биринчи йилида уруғ солмаса ҳам гуллайди, ҳаётининг иккинчи йилида кўк беради.

Ўсимлик жуда ҳосилдор. Махсар даласида какра қалин ўрамлар ҳосил қилиб махсарни илк ўсиш даврида қаттиқ бўғиб қўяди (Ҳамроев ва бошқалар, 1999 йил).

Унга қарши курашиш учун қуйидаги гербицид турлари тавсия қилинади: Dialen Super 480 С.Э. – 0,5-0,7 литр/га, Diamin, 72% С.Э. – 1,0-1,2 литр/га, Esteron ЭК – 0,4-0,8 литр/га.

Қозоқ тилида «туекарин» ва ўзбек тилида «туяқорин» (*Brassica campestris*) деб аталадиган илдизпояли ёввойи ўсимлик. У нафақат уруғлари, балки тупроқ остидан чўқур жойлашган илдизлари орқали ҳам тарқалади, тупроққа механик ишлов берилганда унинг илдизигача етиб борилмайди. Ёзда шамол туяқориннинг тўлиқ шаклланиши уруғларини ўсиш жойидан ҳар томонга узоқ масофаларга осонгина тарқатиб кетиши мумкин. Табиийки, тўлиқ шаклланиш уруғлари учиб бориб тушган тупроқда бу бегона ўт сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлади (Ҳамроев ва бошқалар, 1999 йил).



**8-жадвал. Донли экинларга гербицид қўллашнинг тавсия қилинган миқдорлари ва муддати**

Гербицид	Қўллаш миқдори	Экин тури	Бегона ўт тури	Қўллаш муддати
Dialen super 480 сувли эритмаси	0,5-0,7 л/га	Кузги ва баҳорги буғдой, кузги ва баҳорги арпа	Кўп йиллик ва бир йиллик икки паллали бегона ўтлар, жумладан, 2,4 D даражали чидамлиликка эга бўлганлари	Донли экинларнинг 3 та барг чиқариш давридан тупланиш даврининг охиригача
Торік 080 ЭК	0,4-0,5 л/га	Кузги ва баҳорги буғдой, кузги ва баҳорги арпа	Ёввойи арпа, ёввойи сули, ғовкурмак, итқўноқ ва бошқалар	Бегона ўтларнинг 2-3 та барг чиқариш давридан тупланиш давригача
Dialen super 480 сувли эритмаси + Торік 080 ЭК	0,6л/га + 0,35 л/га	Кузги ва баҳорги буғдой, кузги ва баҳорги арпа	Кўп йиллик ва бир йиллик икки паллали бегона ўтлар, жумладан, 2,4 D даражали чидамлиликка эга бўлганлари: ёввойи арпа, ёввойи сули, ғовкурмак, итқўноқ ва бошқалар	Кузги буғдойнинг тупланиш даври охиригача
Истребитель фаол моддаси (трибенурон-метил 750 г/кг) + Еfram ЭК	15 г/га + 0,4 л/га	Кузги ва баҳорги буғдой, кузги ва баҳорги арпа	Кўп йиллик ва бир йиллик икки паллали бегона ўтлар, жумладан, 2,4 D даражали чидамлиликка эга бўлганлари, Канада қушқўнмаси	Баҳорда экиннинг тупланиш давридан то дон ҳосил қилиш давригача пуркалади
Diamin 72% сувли эритмаси	1,25 л/га	Кузги ва баҳорги буғдой, кузги ва баҳорги арпа	Бир йиллик (каноп, қариқиз, дармана уруғининг турли турлари ва бошқалар) ва кўп йиллик (жўхори лилияси, бўзтикан турлари) бегона ўтлар	Экинларнинг тупланиши бошланганидан эрта босқичдан то дон ҳосил қилиш давригача
Valsamin	1,20-1,30 л/га	Кузги ва баҳорги буғдой, кузги ва баҳорги арпа	Бир йиллик (каноп, қариқиз, дармана уруғининг турли турлари ва бошқалар) ва кўп йиллик (жўхори лилияси, бўзтикан турлари) бегона ўтлар	Экинларнинг тупланиши бошланганининг эрта босқичидан то дон ҳосил қилиш давригача



© ФАО/Д. Сидик

**14-расм.** Dialen Super 480 сувли эритмаси экинларда 0,7 л/га миқдоридан қўлланилганидан сўнг уч кундан кейинги ҳолат

### 4.1.2. Гербицидларни қўллаш даври ва меъёри

Гербицидлар миқдорини бир квадрат метр майдондаги бегона ўтлар миқдорига қараб танлаш учун ҳам ижодий ёндашув, ҳам малака талаб этилади. Бу эса, қавбатидан, самарадорлик даражасини белгилайди ва ҳам суғориладиган, ҳам сувсиз ер шароитида қишлоқ хўжалиги экинини шудгор қилинмаган ерда дастлабки йилларда етиштиришдаги жуда муҳим масала ҳисобланади (**8-жадвал**).

Сидик ва бошқаларнинг (2008 йил) маълумотларига кўра, кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тизимли гербицидларнинг янги авлоди экинларнинг бегона ўтлар билан зарарланиш даражасини сезиларли даражада камайтиради (80-94% га). Кузги буғдойнинг дон тўлишиш босқичида ҳамда кўп йиллик ва бир йиллик икки паллани бегона ўтларнинг ўсиш босқичларида Dialen Super 480 сувли эритмасини 0,5-0,7 литр/га миқдоридан қўллаш тавсия қилинади (**14-расм**).

Гербицидни қўллашда об-ҳаво ва иқлим шароитлари ҳисобга олиниши керак. Шунингдек, тезлиги 5 м/с дан ошмаслиги, ҳаво ҳарорати 14-16 °С дан юқори бўлиши керак ҳамда у эрталаб ва кечқурун қўлланилиши лозим.

Гербицидни қўллаш жараёнида пуркагичлар ва пуркагич форсункаларининг ҳолати жуда муҳим. Topic 080 ЭК ёввойи арпага қарши 0,4-0,5 литр/га миқдоридан қўлланилганда энг самарали ҳисобланади. Ушбу бегона ўт ўсимлиги донли экинлардан кейин кеч кузда униб чиққани боис унга қарши курашиш жуда қийин. Шунингдан, биологик жиҳатдан ёввойи арпа ўсиб чиқишидан аввал жуда катта миқдордаги намликни талаб қилади (уруғлар униб чиқиши учун ўз ҳажмидан 20 баравар ортиқ намликни истеъмол қилади) ва бу унинг кеч ўсиб чиқишини

изоҳлайди. Бундан ташқари, мазкур бегона ўт қишга чидамли ва ўта кучли тупланишга эга.

Бегона ўтларга қарши гербицидлар ёрдамида курашиш стратегиясини белгилашда уларни эрта баҳорда самарали қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, ёввойи арпа билан зарарланган майдонларга тупланиш давридан олдин ишлов берилиши керак.

Бегона ўтларга қарши самарали курашиш учун Dialen Super 480 сувли эритмаси – 0,7 литр/га + Торіс 080 ЭК – 0,4 литр/га миқдоридаги гербицидлар комбинациясини қўллаш тавсия қилинади. Кузги буғдойга мана шу гербицидлар комбинацияси ва қўлланилиш меъёрларига асосан ишлов бериш юқори самарадорликни таъминлайди. Шунини таъкидлаш керакки, Dialen Super 480 сувли эритмаси 0,6-0,7 литр/га миқдорида қўлланилганда дала экма нўхати, ёввойи карам, чирмовик (печак), сариқчой (тиканак), бўтакўз ва бегона ўтларнинг бошқа икки паллали турларига қарши жуда самарали восита ҳисобланади.

Diamin 72% сувли эритмасини 1,25 литр/га миқдорида 250-350 литр/га сувга таъсир қилувчи суюқлик сифатида қўшиб, кузги буғдойнинг тупланиш босқичида ва бегона ўт ривожланишининг эрта босқичларида қўллаш бегона ўтларга қарши самарали таъсир кўрсатиб, айна пайтда экинларга ижобий таъсир ўтказди.

#### 4.2. Маккажўхорини тупроққа ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш усули билан етиштиришда бегона ўтларга қарши кураш

Маълумки, маккажўхори, кунгабоқар ва ширин жўхорининг зарарланиши учун хавfli давр экинлар униб чиққандан кейинги тахминан 40 кун ҳисобланади. Бу

© ФАО/ А.Нурбеков



15-расм. Гербицид билан ишлов берилган (чапда) ва ишлов берилмаган (ўнгда) маккажўхори

даврда маккажўхори далаларида бегона ўтларнинг ривожланиши маккажўхори ҳосилдорлигини 10-13 %га камайтириб юборади. Бу даврнинг узайиб кетиши ҳосилнинг сифатига таъсир қилади, намлик ва тупроқдаги озуқа моддаларининг миқдори камайиб кетади, тупроқда бегона ўтлар уруғларининг тўпланиши ортади, кўп йиллик бегона ўтлардан зарарланиш эҳтимоли кўпаяди, ҳосил йиғиб олингандан сўнг улардан тозалаш ҳамда қуритиш қийинлашади ва ҳоказо.

Лойиҳа доирасидаги уччала мамлакатда баъзи бир кичик фермерлар ва барча томорқа хўжаликлари бегона ўтларни қўл кучи билан тозалайди. Бегона ўтларни қўлда тозалаш уларга қарши курашнинг самарадорлигини пасайишига олиб келади. Шу боис бегона ўтларни қўлда тозалашни гербицидлар қўллаш билан бирга олиб бориш тавсия қилинади, бу эса қаторларни қўлда тозалаш натижасида олинадиган ҳосилдорликка эришишни таъминлайди. Гербицидлардан пўри фойдаланиш маккажўхори етиштиришдаги меҳнат ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини бегона ўтларни қўлда тозалашга нисбатан қисқартириши мумкин. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги тизимида техник воситаларга хизмат кўрсатиш анъанавий тизимларга нисбатан минимал даражага пасайтирилган. Бу ҳолда бегона ўтларга қарши курашнинг энг самарали усули кимёвий моддаларнинг қўлланилиши бўлиб, унда олинадиган маккажўхори ҳосилдорлиги қаторлар орасини қўлда тозалаш усулида олинадиган ҳосилдорликка тенгдир (4,7 т/га). Вақт ўтиши билан тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги тизими татбиқ этилиши давомида тупроқнинг мульча қопламаси ва диверсификацияланган алмашлаб экиш тизими йўлга қўйилгач, гербицидни қўллаш миқдори камайтирилади.

#### 4.2.1. Гербицидларни қўллаш даври ва меъёри

Маккажўхори етиштиришда қўлланиладиган гербицид турлари қуйидагилар: Dialen-Super 480 сувли эритмаси (1,25-1,5 л/га), Diamine 72% ли сувли эритмаси (1,0-1,2 л/га), Dikopur® Тор ЭК (1,0-1,5 л/га), Bazagaran 48% ли сувли эритмаси (2,0-4,0 л/га), Efram ЭК (0,8-0,9 л/га). Барча кимёвий моддалар маккажўхори қаторларининг бегона ўтлар билан зарарланиш тури ва даражасига, ҳудудий шарт шартларига, етиштириш хусусиятларига, шунингдек, ҳар бир гербициднинг кимёвий ва заҳарли хусусиятларига қараб қўлланилиши керак. Маккажўхорининг 3-5 та барг чиқариш даврида қўлланиладиган гербицидлар орасида Dialen-Super (1,25-1,50 л/га) ва Valsamin (1,2-1,4 л/га) энг самарали воситалар ҳисобланади.

Маккажўхори ҳосилини ҳимоя қилиш учун экин ривожланишининг эрта босқичларида у 3-5 та барг чиқариши давридан оқ бегона ўтларга қарши курашишни қўллаш керак. Гербицидларни қўллашнинг кечиктирилиши катта йўқотишларга олиб келади. Бу эса гербицидлар қўлланилишини зараркунандаларга қарши курашнинг комплекс тизимига киритиш зарурлигини англатади. Бегона ўтларнинг қаторлари кўп бўлган тақдирда, жумладан, ёввойи ўт турларининг сони бир квадрат метрда 20 тадан ошса, гербицидларни қўллаш ўзини оқлайди.

Гербицидларнинг самарали қўлланилиши экинларнинг бегона ўтлар билан за-

## 5. ШУДГОР ҚИЛИНМАГАН ДАЛАЛАРДА ЭКИНЛАРНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Тадқиқот ва тажрибалар шуни кўрсатдики, яхши йўлга қўйилган алмашлаб экиш янада барқарор ҳосил олиш имконини беради, тупроқ таркибини яхшилайдиган даромад олиш салоҳиятини оширади (Нурбеков, 2008 йил). Танлаб олинган экинлар хўжаликлари учун мўлжалланган алмашлаб экиш амалиёти фермерлар минтақалари ҳамда лойиҳа доирасида танлаб олинган экин турларининг лойиҳа минтақаларида рақобатбардошлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Свет Иттифоқи даврида Озарбайжон ва Ўзбекистонда деҳқончилик майдонларида ғўза беда билан алмашлаб экилган бўлса, Жанубий Қозоғистонда буғдой танлаб экинлари билан алмашлаб экилган. Озарбайжоннинг Ганжа ва Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятларида экин майдонларининг 80% дан ошиқроғини экин эгаллаган эди. Экин майдонларининг қолган қисми беда ва бошқа ем-хашак экинлари учун ажратилган. Ғўза ва буғдой Ўзбекистон ҳукумати томонидан энг асосий экинлар, деб белгилангани боис ҳамда деҳқончилик учун зарур бўлган экинлар ҳукумат томонидан етказиб берилиши оқибатида Қашқадарё вилоятининг деҳқонлар буғдой ва ғўза етиштиришга ўтган. Бугунги кунда Ганжада куз-кўнрақ арпа ва ғўза умумий экин майдонининг 80% ини эгаллайди. Озиқ-овқат амалиётига эришиш учун буғдой минтақадаги энг муҳим экинга айланди.

Қозғоғий Осиё мамлакатларида озиқ-овқат ва ем-хашакка талабнинг ўсиши билан етиб бориши кутилмоқда. Сулаймонов ва бошқалар (2004 ва 2006 йил) таъқиқотидан лалмикор ва суғориладиган ерларни экин етиштириш учун мўлжалланган уч асосий ҳудудга ажратишни кўзда тутувчи модель таклиф қилинди: (1) Қозғоғий Қозоғистон чўллари; (2) Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистоннинг лалмикор ва суғориладиган қишлоқ хўжалиги қўлланиладиган иқлими илиқроқ ҳудудлари; (3) Суғоришнинг пушта, ариқли ёки ҳавза тизими қўлланиладиган Туркменистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ерлари. Буғдой, пахта ва чорвачилик маҳсулотлари минтақадаги энг муҳим маҳсулотлар ҳисобланади. Айтиш керакки, интенсификациялаш тенденциясига кўра, кунгабоқар каби мойли ўсимликлар экинларга айланиши мумкин (**16-расм**). 2003 йилдан буён олиб борилаётган қўлашувчан экинларни етиштириш тизимлари ва тупроқни химояловчи маҳсулотларни қишлоқ хўжалиги амалиёти бўйича тадқиқотлар натижалари Қозғоғий Қозоғистон минтақасидаги 230-247 гектар майдонда жорий этилди.

Лалмикор деҳқончилик – Жанубий Қозоғистонда тарихан ривожланиб келган экинлардан экинларни деҳқончилик учун фойдаланиш тизими. У ҳудуднинг иқлим ва иқлимий хусусиятларига чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар экинларни танлаш амалиёти ва етиштириладиган экинларнинг ботаник таркибига кучли таъсир қилган.

Қозғоғий айтиб ўтилганидек, лалмикор ерлар ёғингарчилик миқдорига қараб танлаш бўлилади: ёғингарчилик миқдори 600 мм дан юқори бўлган минтақа-



© ФАО/ А. Нурбеков

**16-расм.** Қозоғистонда чорва молларига ем-хашак учун мўлжалланган маккажўхори шудгор қилинмаган ерларда ва Озарбайжонда ёғ олиш учун мўлжалланган кунгаботар етиштириш орқали экинлар диверсификациясини амалга ошириш

лар; ёғингарчилик миқдори 300-600 мм оралиғида бўлган намлик даражаси ўртача ерлар; ёғингарчилик миқдори 200-300 мм оралиғида бўлган ёғин билан кам таъминланган ерлар.

Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлими ноқулай табиий шароитларнинг келиб чиқишига мойиллиги билан ажралиб туради, мазкур жиҳат кузги дон экинларининг ҳосилдорлигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Бундай ҳолатларга ҳаво ва тупроқдаги қурғоқчилик, “бўғадиган” ва “хўйдирадиган” иссиқ ҳамда қуруқ шамоллар киради. Бундай ҳолатлар узок муддатли қурғоқчилик даври ва юқори ҳаво ҳароратлари туфайли ҳосил бўлади, уларнинг ҳар иккиси ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади. Ушбу ноқулай табиат ҳодисаларига қарши туриш учун қурғоқчилик табиати ва даври ҳамда иссиқ ва қуруқ шамолларнинг бошланиш вақтини ҳамда уларнинг маълум экин турларига кўрсатадиган таъсирини билиш муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали қишлоқ хўжалиги экинларини бошқаришнинг қайси амалиётини қўллаш мақсадга мувофиқлигини ҳал этиш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида (Сидиқ ва бошқалар, 2008 йил; Лавренко, 1969 йил, 1979 йил ва Нурбеков, 2008 йил) лалмикор ерларнинг ҳосилдорлигини камайтириб юборадиган иқлим шароитларининг табиатига алоқадор бўлган қуйидаги фойдали қоидалар ишлаб чиқилган:

- йил давомида тупроқ таркиби бузилиши рўй берганда тупроқда намликни тулғаш, сақлаб туриш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган қоидага амал қилиш шарт;
- кўншоқ хўжалиги экинларига фақат алмашлаб экиш оралиғида ишлов берилиши керак. Бу - ишлов берилган экинлар ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради ва алмашлаб экиш жараёнида тупроқ унумдорлигини ошириб бераверади;
- кузги дон экинлари экиладиган лалмикор ерлар майдони максимал даражада эширилиши керак;
- барча экинларни экишда яхши, сифатли сараланган уруғлардан фойдаланиш керак.

Ушбу қоидаларга риоя қилиш ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай нисбатан ёрдам ҳосил олишга ёрдам беради (Сидиқ ва бошқалар, 2008 йил).

#### Сунъориладиган экин майдонларида донли экинларни 6 марталик қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими бўйича тавсиялар

I вариант		II вариант	
1.	Кузги буғдой + беда, биринчи йил	1.	Маккажўхори
2.	Беда, иккинчи йил	2.	Кузги буғдой
3.	Беда, учинчи йил	3.	Соя
4.	Кузги буғдой	4.	Кузги буғдой
5.	Кузги буғдой	5.	Картошка
6.	Дон учун етиштириладиган маккажўхори	6.	Кузги буғдой
III вариант		IV вариант	
1.	Маккажўхори	1.	Кузги буғдой
2.	Кузги буғдой	2.	Маккажўхори
3.	Ловия	3.	Дала экма нўхати
4.	Мойли рапс	4.	Кунгабоқар
5.	Кузги буғдой	5.	Кузги буғдой
6.	Соя	6.	Мош

Дехқончилик стандартлари ва ҳосилдорликни ошириш бўйича билимларни юклатиришга қуйидаги омиллар хизмат қилади: алмашлаб экиш ва шудгор қилинмаган ерда экин етиштиришнинг самарали усулларини жорий қилиш. Мазкур омиллар тупроқ унумдорлиги ва унда намликни сақлашга ёрдам берадиган экинларни бошқариш амалиётлари мажмуасида боғловчи бўғинлар вазифасини бажаради.

## 5.1. Тупроқни ғимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги технологиялари тизимида алмашлаб экиш бўйича тавсиялар

### 5.1.1. Суғориладиган экин майдонларида донли экинларни қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими бўйича тавсиялар

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар даврида кўплаб хусусий фермер хўжаликлари (Озарбайжон ва Жанубий Қозоғистонда) ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари (Ўзбекистонда) ташкил этилди. Озарбайжон ва Жанубий Қозоғистондаги ҳозирги шароитда узоқ муддатли алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш ва қўллаш қийин бўлиб бормоқда. Айти пайтда Ўзбекистонда узоқ муддатли алмашлаб экиш тизимини қўллаш нисбатан осон бўлиши мумкин, негаки бу ерда кичик фермер хўжаликларини йирик фермер хўжаликларига айлантириш жараёни бошланган.

Суғориладиган ерларда кузги буғдой махсус алмашлаб экиш тизими доирасида дуккакли экинлар билан биргаликда етиштирилмоқда. Лойиҳа мамлакатларидаги тупроқ ва иқлим зоналари учун ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган алмашлаб экиш вариантлари тупроқ унумдорлигини тиклаш усуллари сифатида ҳам тавсифланиши мумкин.

### 5.1.2. Суғориладиган экин майдонларида ем-хашак экинларини алмашлаб экиш тизими бўйича тавсиялар

Суғориладиган экин майдонларида ем-хашак экинларини алмашлаб экиш тизими бўйича тавсиялар

I вариант		II вариант	
1.	Беда, биринчи йил	1.	Кузги буғдой + маккажўхори
2.	Беда, иккинчи йил	2.	Кузги дала нўхати + жўхори
3.	Беда, учинчи йил	3.	Кузги арпа + ем учун мўлжалланган ловия
4.	Маккажўхори	4.	Кузги тритикале + маккажўхори
5.	Маккажўхори ва жўхорини бир вақтда экиш	5.	Кузги жавдари буғдой + жўхори
6.	Кузги жавдари буғдой + кузги дала нўхати, иккинчи экин + маккажўхори ва кунгабоқарни биргаликда экиш	6.	Кузги арпа + беда

### 5.1.3. Лалмикор экин майдонларида экинларни алмашлаб экиш тизими

Айти пайтда Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда кўплаб хусусий ва ўртача фермер хўжаликлари ташкил этилганини ҳисобга олган ҳолда Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг лалмикор ерлари учун қуйидаги мослаштирилган қисқа муддатли алмашлаб экиш вариантлари тавсия этилади.



(Ёғингарчилик миқдори 600 мм дан юқори) лалмикор ерлар учун:

I вариант		II вариант	
1.	Беда, биринчи йил + махсар	1.	Баргак, биринчи йил + арпа
2.	Беда, иккинчи йил	2.	Баргак, иккинчи йил
3.	Беда, учинчи йил	3.	Баргак, учинчи йил
4.	Кузги буғдой	4.	Кузги буғдой
5.	Махсар	5.	Кузги буғдой
6.	Кузги буғдой	6.	Кузги арпа ёки тритикале

(Ёғингарчилик миқдори 350-600 мм бўлган) лалмикор ерлар учун:

I вариант		II вариант	
1.	Кузги буғдой	1.	Кузги буғдой
2.	Махсар	2.	Полиз
3.	Кузги буғдой	3.	Махсар, арпа ёки тритикале
4.	Беда	4.	Баргак

(Ёғингарчилик миқдори 200-350 мм бўлган) лалмикор ерлар учун:

I вариант		II вариант	
1.	Кузги буғдой	1.	Кузги буғдой
2.	Махсар	2.	Кузги арпа
3.	Беда	3.	Нўхат

Экинларни алмашлаб экиш зараркунандаларга қарши кураш нуқтаи назарида ишлаб чиқаришнинг анча барқарор тизимини яратади ва тупроқ таркибининг яқинлашга хизмат қиладиган органик моддалар манбаи бўлиб ҳисобланади. Тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиётининг бошқа шакллари эса тупроқни озиклантириш режими ва гидрофизик хусусиятларини яхшилайди.

## 5.2. Тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти учун тавсия қилинадиган дуккакли экинлар

Барқарорликни ошириш ва оқсилларга бой дон экинларини етиштириш учун дон дуккакли экинлар билан аралаштирган ҳолда диверсификациялаш ишлаб чиқарилади. Уруғ, сув, ўғит ва ҳоказоларни тежаш технологиялари аниқланиши билан экинлар орасида кенг миқёсда тарқатилиши лозим. Озиқ-овқат учун етиштириладиган дуккакли экинлар тупроқни азот билан тўйинтиради ва барқарор ишлаб чиқаришни жадаллаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Дуккакли экинлар тупроқни азот билан таъминлашдан ташқари унинг сифатини яхшилайди ва шу йўсинда навбатдаги экин ҳосилдорлигига ижобий таъсир қилади. Дуккакли экинларни ўз ичига олган экин етиштириш тизимларида навбатдаги экин учун азот ўғитига бўлган талаб камаяди, бу эса ишлаб чиқариш шартларининг пасайишига хизмат қилади.

© ФАО/ А.Нурбеков



**17-расм.** Ўзбекистонда пуштага экилган соя ва Озарбайжонда шудгор қилинмаган ерга экилган соя тўлиқ пишган (етилган) даврида

Дуккаклилар – нўхат, экма нўхат ва ловия – Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда дони ва яшил биомассаси учун етиштирилади. Лойиҳа мамлакатларида дуккакли экинларни етиштиришга бўлган катта қизиқиш дон маҳсулотлари нархларининг барқарор эмаслиги ва хорижий бозорларда дуккакли дон маҳсулотларига бўлган юқори талаб билан боғлиқ. Маълумки дуккакли экинларнинг замонавий навлари рН кўрсаткичи 5,0 дан 7,5 гача бўлган ҳам унумдор, ҳам кучсиз тупроқларда яхши ўсаверади. Бундан ташқари дуккакли экинлар атмосферадан азотни сўриб олувчи юқори самарали ўсимлик ҳисобланади.

Дуккакли экинлар тупроқ унумдорлигини оширади ва алмашлаб экин тизимидаги кўплаб экинларга ўтмишдош экин сифатида мос келади. Бундан ташқари, дуккакли донли экинларда майдон бирлигига нисбатан етиштириладиган оқсил миқдори кўпроқ бўлиб, унинг сифати анча юқори ўзлаштириш эса осонроқ бўлади.

Минерал азотли ўғитлар нархининг ошиши ҳаводаги азотни фиксация қилиш уни тупроқда тўплагани учун дуккакли экинларга қизиқиш кун сайин орта бормоқда. Кўпинча экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кейинги йилда экиладиган экинлар учун азот ишлаб чиқариш мақсадида дуккаклиларда қоплама экин сифатида фойдаланадилар. Чуқур илдиз отадиган қоплама экинларнинг чуқурроқ қатламидан озуқа моддаларини тупроқнинг юза қисмига олиб чиқади ва аэроб ҳолатини, ернинг захини қочириш ва намликни сақлаб туриш имкониятларини яхшилайдиган тупроқ структурасини яхшилашига ёрдам беради.



© ФАО/А.Нурбаев

18-расм. Ўзбекистонда пуштага экилган ловия

### 5.2.1. Соя

Соя пўчоғи, поялари ва барглари нозик жигарранг ёки кулранг туклар билан боланган. Япроқлари уч қисмли бўлиб, битта катта япроқда учтадан тўрттагача кичик япроқлари бўлади, майда япроқларнинг узунлиги 6-15 см, кенлиги 2-7 см бўлади. Япроқлар уруғлар етишмасдан олдин тўкилади. Кўринмас, ўз-ўзидан чиқадиган гуллар баргларининг қўлтиғида кам миқдорда оқ, пушти ва бинафша рангда бўлади. Замонавий навлари одатда 1 м баландликкача ўсади ва экишдан тўртинчи олингунгача 80-120 кун вақт ўтади (17-расм).

Нурбаев ва Зиёдуллаев (2012 йил) Қашқадарё вилоятидаги суғориладиган ерларда пуштага экиш йўли билан етиштирилган соя ҳосилдорлигига ризобиумнинг калий ва фосфор билан комбинацияси таъсирини ўрганишди. Таъсирнинг эътиборга молик натижалари қуйидагилардан иборат: ризобиум қўшилган барча ишлов бериш усуллари сояга ижобий таъсир кўрсатди, айниқса ризобиум + ризобиум + K60+P120; ризобиум қўшилмаган ишлов бериш усулларида ҳосилдорлик жуда паст бўлган.

Соя таркиби 36% дан ортиқ оқсил, 30% углеводлар ва озуқавий толалар, минераллар ва минералларнинг юқори миқдоридан ташкил топган. Унинг таркибида, шунингдек, 20% ёғ мавжуд бўлиб, бу уни ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш мақсадида энг муҳим экинга айлантиради. <http://www.iita.org/soybean>.

Бразилия, Аргентина, Бразилия, Хитой ва Ҳиндистон дунёдаги энг йирик соя ишлаб чиқариш мамлакатлари ҳисобланади ва жаҳонда ишлаб чиқариладиган соянинг 90% қисми бу давлатлар ҳиссасига тўғри келади (FAOSTAT, 2013 йил). Соя инсонлар озиқ-овқат учун озиқ-овқат сифатида ишлатилиши мумкин. У алмашлаб экинларнинг ўзидан кейин экиладиган экинлар учун тупроқ унумдорлигини

оширади ва турли иқлим ҳудудларида мослашувчанликни мустаҳкамлайди. Юқорида тилга олинган хусусиятлари ва азотли ўғит қўлланмаса ҳам яхши ўсиш қобилиятига эгаллигига қарамасдан, Ўзбекистонда соя ишлаб чиқариш ҳажми у қадар юқори эмас. Бу экин Озарбайжон, Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда кенг тарқалмаган, негаки бу давлатларда ғўза ва кузги буғдой муҳим экинлар ҳисобланади. Шундай бўлса-да, минтақада сояга нисбатан талаб ортиб бормоқда.

### 5.2.2. Ловия (*Phaseolus vulgaris*)

Ловия озиқ-овқат билан таъминлаш тизимида энг муҳим дуккакли экинлардан бири ҳисобланади. FAOSTAT (2013 йил) маълумотларига кўра, ловия экиладиган экин майдонлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда ва ҳозирги кунда дунёда 19-20 миллион гектарни ташкил этади. Ҳиндистон, Хитой, Бразилия, АҚШ ва Мексика асосий ловия ишлаб чиқарувчи мамлакатлардир. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми сабзавот ловияси ҳиссасига тўғри келади.

Сабзавот ловияси МДХ давлатлари орасида асосан Украина, Молдова ва Кавказда етиштирилади. Португалия, Болгария ва Руминия каби давлатларда ловия катта ҳажмда ва фақат экспорт учун етиштирилади. Сабзавот ловиясини етиштиришнинг афзалликларига қарамасдан, у ҳали ҳам МДХ давлатларида кенг тарқалмаган. Бироқ, келажакда унинг ривожланиш салоҳиятига шубҳа йўқ.

Сабзавот ловияси озуқавийлик хусусиятларига кўра бошқа озиқ-овқат экинлари орасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Амалда сабзавот ловияси уруғи (қуруқ дон сифатида), шунингдек, пишмаган дуккаклари ва уруғлари (кўк сабзавот сифатида) истеъмол қилинади.

Сабзавотли ловия таркибида 90,0% сув, 4,0-4,3% оксил, жумладан, 1,0% шаккар ва 0,25% ёғ, 1,0% озуқа толаси ва 0,7% кукун мавжуд. Ловия оксили сабзавотлар таркибида бўладиган тўлиқ ўсимлик оксили ҳисобланади. Ловияда каротин ва С, В1, В2, К витаминлари ҳам бор. Минераллар бўйича яшил ловия фосфор (44 мг %) ва темирга (1,1 мг %) бой. Иккинчи экин сифатида экиладиган ловия Марказий Осиё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин (**18-расм**).

### 5.2.3. Мош (*Vigna radiata*)

Мош қадим замонлардан Ҳиндистонда етиштириб келинади. Мошнинг кенг тарқалган чикиш ватани Жануби-ғарбий Осиё бўлиб, у 5-6 минг йил аввал қишлоқ хўжалигида етиштирила бошлаган. Мазкур экин ҳозир ҳам Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Бирма, Хитой, Вьетнам, Япония, Африка давлатлари, Жанубий Америка давлатлари, шунингдек, Австралияда катта ҳажмларда етиштирилади. Мош Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Кавказ ва Жанубий Қозоғистонда (кичик майдонда) асосий экин ёки кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилади. Энг кенг тарқалган мош навлари – Қозоғистонда “Победа-104”, Ўзбекистонда “Оқмош” навларидир. Мош дони овқат сифатида ишлатилса, унинг пояси ҳайвонлар



**19-расм.** Гуллаши узок муддат давом этадиган мош дуккакларининг турли босқичлардаги етилиши

ёнашак сифатида ишлатилиши мумкин. Экин, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш учун яшил ўғит сифатида қўлланилиши мумкин.

Алмашлаб экиш тизимидаги ўрни: мош баҳорда асосий экин сифатида экилади, шунингдек, донли экинлар, сабзавотлар, мойли ўсимликлардан сўнг алмашлаб экилади тизимида ёзги экин мавсумида ҳам экилиши мумкин. Мош кўплаб экинлар сўнг ўтмишдош экин сифатида экилса, жуда мос келади.

Мош иссиқ мавсум экини бўлиб, экилишидан то етилгунга қадар (навига қараб) 90-120 кун талаб қилинади. Яхши ҳосилга эришиш учун гуллаш экинларидан то кўсақлари тўлишининг тугашигача етарли миқдорда ёгингарчилик ва тупроқ намлиги бўлиши талаб этилади.

Мош яхши ички дренажга эга бўлган унумдор қумлоқ тупроқларда юқори ҳосил беради. Экин ёмон дренажли, таркибида углерод миқдори кам бўлган оғир ва ёил тупроқларда ҳосилдорлиги паст бўлади. Ҳосилдорлик рН даражаси 6,2 ва 7,2 оралиғида бўлган тупроқларда энг яхши бўлади. Ишқор миқдори юқори бўлган тупроқларда мошда ўткир темир хлорози белгилари ва микрозуқа моддалари камчилиги намоён бўлиши мумкин. Мош бошқа дуккакли экинлар каби фосфор, калий, кальций, магний ва олтингургурт моддаларини талаб қилади. Агар тупроқда бу моддалар етишмаса, минерал ва/ёки органик ўғитларни қўллаш талаб қилинади.

Мош уруғи яхши намлик миқдорига эга бўлган тупроққа 3-4 см чуқурликда экинчи қатлам керак. Агар юза қатламлари қуруқ бўлса ва агар тупроқ қатқалоқ бўлиб қолган бўлса, чуқурлик 5 см гача орттирилиши мумкин. Мош уруғи қалин қопламни талаб қилмайди, кийин бўлиши ва кўчатлар кам миқдорда ҳамда нотекис униб чиқи-

ши мумкин. Қатқалоқлар ва тупроқ юзасининг қаттиқлашиши тупроқ таркибида органик моддалар миқдорининг камлиги ҳамда механик ишлов бериш натижаси ҳисобланади. Тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти шудгор қилинмаган ерга экиш усули натижасида вақт ўтиши билан тупроқ “саломатлиги” яхшиланганидан сўнг тупроқнинг қатқалоқ бўлиши камаяди. Мошни экиш муддати қуйидагича: баҳорда – май ойининг бошида, ёзда - июль ойининг биринчи ва иккинчи декадасида, донли экинлар ва эртаки сабзавотлар ҳосили йиғиб олингандан кейин. Экиш “FANKHAUSER 2115”га ўхшаш шудгор қилинмаган ерга уруғ экадиган сеялқаларда ҳамда бошқа шудгор қилинмаган ерларга тўғридан-тўғри экиш учун ишлаб чиқилган сеялқаларда амалга оширилади.

Уруғ меъёри 16-20 кг/га ни ташкил этиши лозим, бу – кўчат қалинлиги гектарига 150000-200000 ўсимлик тўғри келишини англатади. Кенлиги 70 см бўлган жўяқларга ариқлар учун 17-20 см жой қолдириб, ўсимликлар орасидаги масофани 10-20 см қилиб экиш лозим.

Суғориш: мош уруғлари бир текис униб чиқишига эришиш учун экишдан олдин суғориш жуда муҳим бўлиб, суғориш меъёри 800-1000 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиши керак. Мош экинни иккинчи марта суғориш гуллаш даврида 800-900 м<sup>3</sup>/га меъёрида амалга оширилиши лозим.

Ўғитлаш: экин экилгандан сўнг дарҳол таркибида актив моддалар бўлган фосфорли 60-70 кг/га миқдорида ва калийли ўғитлари 40 кг/га миқдорида қўлланилади. Мошнинг ўсиш даврида азот ўғитини қўллаш тавсия қилинмайди, чунки ризобиум бактериялари бор дуккакли экинлар ҳаводан азотни сўриб олишга қодир.

Суғориладиган ерларда мош даласида кеч ўсиб чиқадиган бегона ўтларга қарши курашиш учун қўллаш мумкин бўлган кўплаб гербицид турлари мавжуд. Майдондаги барча кўчатлар униб чиқиб, 2-3 та уч қисмли барг чиқариш босқичида мош экилган майдонга Pivolt гербицидини – 0,6-0,8 л/га ва Pivot гербицидини – 0,8-1,0 л/га миқдорида қўллаган ҳолда ишлов берилади.

Мошнинг кўсақлари бир хил етилмайди, негаки ер бағирлаб ўсадиган ўсимликлар узоқ вақт давомида гуллайди (**19-расм**). Бу – ҳосилни йиғиб олиш пайти борасидаги қарорни қийинлаштиради. Одатда, ҳосил кўсақларнинг ярми ёки ундан икки қисми етилгандан сўнг йиғиб олина бошлайди. Бу вақтда уруғлардаги намлик миқдори 13% дан 15% гача бўлади. Баъзи мош етиштирувчилар кўсақлар тўлиқ етилиши учун ўсимликлар орасини очиб чиқишади ва кейинчалик кичик дон йиғувчи комбайнда подборшчик ёрдамида йиғиб олинади. Бу ер бағирлаб ўсадиган ўсимлик турларининг ҳосилини йиғиб олиш, ҳосил етилиши кечиккан ёки бегона ўтлар билан боғлиқ муаммолар юзага келганда айниқса фойдали. Уруғлар тўкилиб кетиши натижасида жиддий йўқотишларнинг олдини олиш учун ҳосилни қатор бўйлаб териш уруғ етилишидан олдинроқ амалга оширилиши керак.

**9-жадвал.** 2011-2013 йилларда Қарши туманида тупроқ юзасидаги ўсимлик қолдиқларини сақлаб қолиш йўли билан оралиқ экин сифатида етиштирилган мош

Экиш усули	Экиш учун сарфланган ёқилғи, л/га	Илдиз узунлиги, см	Экин (ўсимлик) бўйи, см	Ҳосилдорлик, т/га
Анъанавий ишлов бериш	53,6	25,4	67,17	1,85
Шудгор қилмасдан бир марта ишлов бериб экиш	13,6	23,5	68,83	1,97
Шудгор қилмасдан экиш	5,9	23,8	65,35	2,24

### 5.3. Такрорий экин

Деҳқончиликда самарадорликни оширишга катта эҳтиёж бор. Камроқ ер майдонида кўпроқ ялпи ҳосил олиш талаб қилинмоқда. Бир йил давомида ёки биргина ғўза ёки кузги буғдой етиштиришга асосланган ҳозирги амалиёт ўрнига бир йилда икки марта экин етиштириш вақти келди. Марказий Осиё ва Озарбайжондаги суғориладиган деҳқончилик шароитида буғдой ҳосили йиғиб олингандан кейин иккинчи ҳосил олиш учун экишга мос бўлган кўплаб экин турлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан лойиҳанинг намунавий майдонларида маккажўхори, мош, тарик, ловия ва жўхори буғдой ҳосилидан кейин ёзги экинлар сифатида экилмоқда.

Озарбайжонда маккажўхори, кунгабоқар ва тарик, Қозоғистонда маккажў-



© ФАО/А.Нурбеков

**33-расм.** Мошнинг шудгор қилинмаган ерга экиш имкониятига эга сеялка ёрдамида (чапда) ва шудгор қилинмаган ерга экилган мош даласининг кўриниши (ўнгда)

хори, мош, соя ва ловия ҳамда Ўзбекистонда мош, жўхори ва ловия кузги буғдой ва арпа ҳосили йиғиб олингандан кейин ёзда далани шудгор қилмасдан яна экин экиш имконияти жиҳатидан ўрганиб чиқилди.

Бир мавсумда икки ёки кўпроқ экинларни кетма-кет етиштириш битта майдондан қўшимча ҳосил олиш имконини беради. Бир йилда бир неча экин етиштириш амалиёти бугунги кун замонавий қишлоқ хўжалиги амалиётлари орасида энг муҳими бўлса ажаб эмас.

Шудгор қилинмаган ерга экин экиш тизими, гербицидлар ва ўсимлик қолдиқларидан унумли фойдаланиш бир йилда икки марта ҳосил олиш имкониятларининг ошишига олиб келади:

- икки турдаги экин анъанавий турда экиладиган бир экин турига сарфланадиган ёнилғи ҳисобига экилиши мумкин;
- ялпи ҳосил ҳажми ортади, айти пайтда умумий ишлаб чиқариш харажатлари камаяди;
- техник воситалар тўлиқроқ қўлланилади, меҳнатга талаб йил давомида тенг ҳажмда тақсимланади.

Бир йилда икки марта ҳосил олиш амалиётида такрорий экинни экиш учун вақт ва пишган ҳосилни йиғиб олиш даври чекланган бўлади. Шудгор қилинмаган ерга экиш тизими чекланган вақт масаласини енгиллаштиради ва тупроқда мавжуд намлик даражасини сақлаб қолиб, намлик қочиши, тупроқ эрозияси ва буғланишини камайтиради.

Шудгор қилинмаган ерга экиш тизимида гербицидларни қўллаш ва ўсимлик қолдиқларидан унумли фойдаланиш бир мавсум давомида икки марта экин етиштириш имкониятларини оширади. Дехқончилик маҳсулотларини етиштиришда ишлатиладиган ёқилғи қиммат бўлиб кетди ва энди чекланмаган миқдорда етказиб берилмайди. Шудгор қилинмаган ерга экин экиш ва бир мавсум давомида бир неча ҳосил олиш усули ёрдамида такрорий экинни экиш анъанавий усулда экиладиган бир турдаги экинни экиш учун сарф қилинадиган ёқилғи ҳисобига экилиши мумкин. Ишлаб чиқариш ошиши ва қўшимча ҳосил ҳисобига ҳосилни йиғиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш учун ишлатиладиган ёнилғи миқдори бир марта экин етиштирганга нисбатан кўпроқ бўлади. Фермерлар ва тадқиқотчилар лойиҳа мамлакатларида бир йилда икки марта ҳосил олиш тизими буғдой ва ем-хашак етиштириш ҳажмини оширади, деган фикрга қўшилади.

**10-жадвал.** Озарбайжонда 2011-2013 йилларда такрорий экин сифатида экилган мак-кажўхори ҳосилдорлигига ерга ишлов бериш усулларининг таъсири

Экиш усули	Экин бўйи, см	Дон ҳосилдори, т/га
Назорат (анъанавий ишлов бериш)	225	4,85
Минимал ишлов бериш	222	4,77
Шудгорсиз экиш	226	4,96



### 5.3.1. Такрорий экин сифатида етиштирилган мош

Ўзбекистонда суғориладиган шароитда буғдой ва ғўза алмашлаб экиладиган майдонда кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мошни экиш имконияти ўрганилди. Суғориладиган деҳқончилик шароитида озиқ-овқат учун етиштириладиган дуккакли экинлар тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги тизимида диверсификация учун энг мос келадиган экин эканлиги маълум бўлди.

Олинган дон ҳосили шуни кўрсатдики, шудгор қилинмаган ерга экилган мош ҳосили (2,24 т/га) анъанавий усулда экилган мош ҳосилидан (1,85 т/га) сезиларли даражада юқори бўлган (**9-жадвал** ва **20-расм**га қаранг).

